ЮЗИДА ЮЗ КЎРИШИБ...

САМАРҚАНД. Самарқанд туманидаги Рустам қишлоғида яшовчи Наврўз бобо юз ёшга тўлди. Отахоннинг касби ҳам, эҳтиёжи ҳам меҳнат. Бир умр ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланди. Шу туфайли қишлоқдагина эмас, бутун вилоятда уста номини олди. Яқинда бобо ўнинчи набирасининг никоҳ тўйида қатнашди. Айтгандай, Наврўз бобонинг йигирма беш набираси, қирқ нафар чевараси бор.

Фармон ТОШЕВ.

СЎНГГИ СОАТДА

УНУТИЛМАС УЧРАШУВ

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон ХДП Акмал Икромов туман кенгаши афғон жангчилари уюшмаси билан ҳамкорликда ажойиб учрашувни ташкил этди. Тадбирда туман ҳокими О. Алиҳўжаев, туман партия кенгаши биринчи котиби М. Ёқубов, туман афғон жангчилари уюшмаси раиси Б. Тўлаганов йиғилганларни табриклашди. Қутлов сўзлари тароватли қўшиқлар билан алмашиб турди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг беш йиллигига бағишланган учрашув қатнашчиларининг ҳар бирига П. Левитин ва Дональд С. Карлайлнинг "Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти" китоби совға қилинди.

Атаулла ИСАХОНОВ.

ЯНГИ ҲАЁТНИ ИСПАНИЯДА ТАНИШАДИ

НАМ ЧГАН. Ялиқўрғон туманидаги Янги ҳаёт қишлоғи ишбилармонларининг энди Испанияда танишлари бор. Қишлоқдаги вино заводида Испаниянинг "Алтеруиеру Виникола Сл" фирмаси билан ҳамкорликда умумий қиймати 8 миллион 115 минг АҚШ долларига тенг бўлган учта янги линия қуриб битказилди. Газланган ва газланмаган ҳолда жаҳон бозори талабига жавоб берувчи ичимлик қадоқловчи бу линия мутахассислар синовидан муваффақиятли ўтди. Энди янги узумни қайта ишловчи янги дастгоҳлар ёрдамида йилига 20 минг тонна маҳсулотни қайта ишлаш мумкин. Бу 25 миллион долларга тенгдир.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

ХАШАРЧИЛАР ЖИЗЗАХДА

ФАРҒОНА. Маълумки, Жиззах вилоятининг қўриқ туманларида пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда теримчилар танқислиги мавжуд. Шу важдан ҳам фарғоналиклар жиззахликларга ёрдам қўлини чўзишди. Ўтган йили ҳам салкам 40 минг нафар фарғоналик Жиззах далаларида пахта териб, уларга катта ёрдам кўрсатишган эди. Ҳашарчиларнинг ҳар бирига 1500 — 3000 сўмдан нақд пул , иссиқ кийим берилди. Тиббиёт ходимлари ҳам улар билан бирга. "Жиззах далалари ҳам бизнинг далаларимиз. Чунки мустақил Ўзбекистоннинг пахта хирмони битта", — дейишмоқда фарғоналиклар.

Алишер ИБОДИНОВ.

СЎНГГИ СОАТДА

ПЕШҚАДАМЛАРГА СОВУТГИЧ

БУХОРО. Мустақил Ўзбекистонимизнинг "оқ олтин" хирмонига 403 минг тонна хом ашё етказиб беришга аҳд қилган вилоят пахтакорлари пахта йиғим-теримини қизғин олиб бормоқдалар. Вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшмалари вилоят кенгаши 1996 йил пахта йиғим-терими мавсумини ташкилий жиҳатдан намунали ўтказишнинг чора-тадбирларини кўряпти. Йиғим-теримда Ғиждувон туманидаги С. Айний номли жамоа хўжалиги вилоятда карвонбошилик қиляпти. Шу боис уларга вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиғи, битта совутгич ҳамда санаторийга бориш учун битта имтиёзли йўлланма берилди.

Даврон БАҲРОНОВ.

БУЛОҚБОШИНИНГ ТАДБИРКОР АЁЛИ

АНДИЖОН. Замон ишбилармонники. Ахир саноатни қишлоққа олиб кирадиган одамлар ҳам ана шулардир. Гулсара Имомбоева 13 фарзанднинг меҳрибон онаси. Ўтган йилларда уйида гилам, жемпер, рўмол тўқиш, кигиз босиш, кўрпа-тўшак тикиш цехи очиб, талайгина аёлларни иш билан таъминлаганди. Опа қурган тегирмонда тортилаётган уннинг сифатидан эса ҳамқишлоқлар мамнун. Гулсара опа 120 қути асалари ҳам парваришламоқда. Булар ўзўзидан бўлмайди, албатта. Ҳаммасига ҳам қаров, ҳалол меҳнат керак. Опа ҳозир мойжувоз цехини очиш ҳаракатида юрибди.

Қаноат ТИЛЛАХЎЖАЕВА.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 31 октябрь, пайшанба № 140 (22.061).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ВА ИШЛАШ – ДАВР ТАЛАБИ

Илгари хабар қилинганидек, 28 октябрь куни халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгаши сессияси бўлиб ўтди. Сессияда мазкур вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, туман ҳокимлари, бир қанча вазирлик, республика идора ва ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Республика Президенти Ислом Каримов сессияда нутқ сўзлаб, Сирдарё вилоятидаги бугунги ижтимоий-иқтисодий вазиятни теран таҳлил қилди. Мавжуд имкониятларга қарамай, халқ хўжалигининг кўп соҳаларида қолоқликка йўл қўйилаётганига эътиборни қаратди.

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва тинчлик шароитида ислоҳотлар, янгиланиш, тараққиёт дастурларимизни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар барчангизга маълум, деди Президент. Ютуқларимизни биздан ҳеч ким тортиб ололмайди. Лекин бугунги ҳаётимизни ислоҳ этишда, биз, аввало, фойдаланилмаётган имкониятлар, ишга солинмаган омиллар, йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар, тараққиётимизга тўсиқ бўлиб турган муаммолар ҳақида кўпроқ гапиришимиз, уларни бартараф этиб, керакли сабоқлар чиқаришимиз лозим.

Шу маънода Сирдарё вилояти мамлакат халқ хўжалигида катта ўрин тутади. Бу воҳа улкан ишлаб чиқариш имкониятларига, бой деҳқончилик ресурсларига, саноат ва қурилишнинг улкан тажрибасига эга.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган электр қувватининг қарийб учдан бир қисмини етказиб берувчи Сирдарё ГРЭСи, Гулистон ёғ-экстракт заводи, қурилиш ашёлари корхоналари, пахта тозалаш заводлари ва бошқа бир қанча саноат корхоналари борки, улар мамлакат иқтисодий ривожини таъминлашда вилоят муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Бу йил Мирзачўлни ўзлаштиришнинг 40 йиллиги нишонланди. **Қирқ йил тарих учун ҳеч нарса эмас. Бироқ инсон куч-қудрати, ақл-идроки, яратувчилик салоҳияти тарихда абадий ном қолдириши мумкинлигини кўрсатиш учун етарли муддат. Буни мана шу табаррук заминда меҳнаткаш халқ, фидойи инсонлар амалга оширган ишлар мисолида кўриш мумкин.**

Шу заминда меҳнат фаолиятини бошлаган, деҳқончилик тажрибаларини бойитган, қўриқ ернинг ўзига хос деҳқончилик мактабини вужудга келтирган номдор кишилар воҳа шон-шавкатини кўтаришган, ўзбек деҳқонининг тадбиркорлигини, беқиёс куч-қудратини намойиш этишган. Лекин бугунги вазият сизлар билан юзма-юз туриб, бу ерда бўлаётган ишлар, ривожланишга тўсиқ бўлиб турган муаммолар, ҳаётимизга халақит бераётган нуқсонлар ҳақида очиқ-ойдин фикрлашиб, зарур чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда, деди Ислом Каримов.

Қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик соҳаси муаммолари ҳақида тўхталадиган бўлсак, шуни таъкидлаш керакки, бу соҳада амалга оширилаётган ишлар кўнгилдагидек эмас! Тармоқда туб ислоҳотларнинг амалга оширилиши талабга жавоб бермайди. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш топшириқлари сурункасига бажарилмаяпти. Энди бу масалага жиддийроқ қараш, уни ҳар томонлама таҳлил этиш ва тегишли хулосалар чиқариш пайти келди.

Пахтачилик соҳасида вилоятда **1992 йилдан буён режалар бажарилмаяпти. Кейинги 3 йилда 213 минг тонна пахта кам етиштирилди.** Ёки бошқача қилиб айтганда, охирги уч йилда салкам бир йиллик пахта етказиб берилмади. Буни қандай баҳолаш мумкин?

Меҳнатга муносабатнинг ёмонлиги, иш тўғри ташкил этилмагани, бошқарув тизимининг қониқарсизлиги, ташаббус йўқлиги бунга асосий сабаб бўлмоқда.

Юртбошимиз вилоятнинг ўрта ва қуйи раҳбар ходимлари кўпинча ўз шахсий ташвишлари ва шахсий манфаатларини ўйлашдан нари ўтмаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Табиийки, нега аҳвол шу даражага бориб етди?, деган савол туғилади. Бунга жавоб битта: сабаб вилоятнинг энг юқори мартабали раҳбарларининг ташкилотчилик савияси пастлигида, қўл остида ишлаётган раҳбарларни бошқариш, уларнинг бошини қовуштиришда заифлик қилаётгани, бепарволик ва масъулиятсизлигида деб биламан, деди давлатимиз раҳбари.

Ишга ана шундай ёндашувнинг сабаби ўлароқ, Мирзаобод, Меҳнатобод, Сирдарё, Ш. Рашидов туманлари республикада энг қолоқ ўринларга тушиб қолди. Бу ерларда ҳокимлик курсисида, хўжалик раҳбарлигида ўтирганлар нима билан шуғулланишяпти? Халқ ва давлат ишончи, эл-юрт олдидаги бурч ва масъулият қани?

Ёки пахта йиғим-терими мавсуми якунланаётган айни шу кунларда Мирзаобод туманидаги Дўстлик, Тошкент, Беруний, Улуғбек номли хўжаликлар, Меҳнатобод туманидаги А. Тоиров номли, Ш. Рашидов туманидаги Бўстон, Темур Малик номли, Сайхунобод туманидаги «Янгиобод» хўжаликлари эндигина йиллик топшириқнинг атиги 15-20 фоизини бажарганини қандай тушуниш мумкин? Шароф Рашидов тумани ҳокими И. Ибодуллаев ўтган йилги камчиликлардан тўғри хулоса чиқара олмади. У раҳбарлик қилаётган энг йирик туман кейинги йилларда барча соҳаларда қолоқ бўлиб қолди. **Туманда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми деярли икки баробар пасайиб кетди.** Саноат, қурилиш ривожланмаяпти. Маънавият соҳасида деярли иш қилинмаяпти.

Вилоятнинг бошқа туман ва хўжаликларида ҳам аҳвол яхши эмас. **Ўтган йили 29 та хўжалик ёки жами хўжаликларнинг учдан бири 248 миллион сўм зарар кўрди.** Бу аҳволда ишчиларга нима ҳисобидан иш ҳақи тўланяпти — буни тушуниш қийин.

Биз ер — бебаҳо бойлик, деймиз. Вилоят деҳқонлари, соҳибкору боғбонлари, бу ҳаётий ҳақиқатни яхши билишади. Ҳамма гап маҳаллий раҳбарларнинг ишни қандай ташкил этишида қолган.

Эътибор беринг: **кейинги 3 йил ичида шўрланган ерлар майдони 55 минг гектар кўпайди.** Ўта кучли шўрланган майдонлар миқдори 2 марта ортди. Бу нима деган гап? Ўз илдизига болта уриш, ўз ризқини қийиш эмасми?!

Вилоятдаги иқтисодий заиф хўжаликларга ҳукумат қарори билан йил бошида ички ариқ, зовур ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш ҳамда уларни тузатиш учун давлат ҳисобидан 60 миллион сўм маблағ ажратилган эди. Бугунги кунга келиб, ана шу маблағнинг эндигина ярми

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШКИЛ ТОПГАНЛИГИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН УНИНГ ТАШКИЛОТЛАРИ, АЪЗОЛАРИ ВА БАРЧА УНГА ХАЙРИХОҲ ВАТАНДОШЛАРГА

ТАБРИК

Қадрли сафдошлар!

Азиз биродарлар!

Ҳаммангизни мустақиллик шарофати ила сиёсий фаолият майдонига чиққан Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг беш йиллиги билан самимий ва қизғин табриклаймиз!

Партиямиз ўзининг миллий озодлик, фуқаролар эркинлиги, аҳиллиги, ижтимоий адолат, миллатлараро иноқлик, ҳамкорлик, юрт тинчлиги, осойишталиги, Ватан равнақи ва хавфсизлиги каби мафтункор, ҳаётий дастурий ғояларни, Миллий истиқлол мафкураси, Ўзбекистон Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов бошчилигидаги республикамиз раҳбариятининг мустақилликни мустаҳкамлашга қаратилган туб ислоҳотлар йўлини сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни амалга ошириш соҳасидаги амалий ишлари билан элу юртга танилди, халқ ўртасида обрў орттирди.

Шу билан бирга, ўтган вақт унинг учун ўз тузилмаларини шакллантириш, партия кадрларининг янги авлодини вояга етказиш, ғоявий-сиёсий қарашларини тўлиқ ифода этиш, фаолиятининг устувор йўналишларини танлаш, иш усулларини излаб топиш ва ҳаётга татбиқ қилиш йиллари бўлди. Бугун айтиш мумкинки, Ўзбекистон ХДПнинг халқчил ғоялари, сиёсий йўли, амалий фаолияти 1991 йилги президент сайлови, 1994 йилда Олий Мажлис ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларига ўтказилган сайловларда синовдан муваффақиятли ўтди. Партиямиз ташкилотлари, барча аъзолари ва унга хайрихоҳ фуқаролар яқиндагина эълон қилинганлигининг беш йиллиги кенг нишонланган мустақил давлатимиз биносини тиклашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Мамлакатимизда кўппартиялилик тизими ривожланаётган шароитда, 1991 йилдан кейин, ХДП сафларининг юз минг нафардан зиёд аъзога кўпайиши халқимизнинг унга ишончи юқорилигидан ёрқин далолатдир.

Бироқ, беш йил давомида босиб ўтган йўлимизни таҳлил қилар эканмиз, ишимизда талайгина камчиликлар, фойдаланилмаган имкониятлар, заиф бўғинлар борлигини тан олишимиз зарур. Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи ва истиқболи уларни тезроқ бартараф этиб, Ватанимизни гуллаб - яшнаётган инсонпарвар фуқаролиқ жамияти, ҳуқуқий, демократик давлатга айлантириш ишига қўшаётган улушимизни янада салмоқлироқ бўлишини тақозо этмоқда.

Азиз дўстлар!

Сизларни партиямиз ҳаётидаги муҳим воқеа билан яна бир бор муборакбод этиб, унинг бунёдкорона дастурий ғояларини рўёбга чиқариш, ҳур Ўзбекистонимизнинг нурафшон келажагини яқинлаштириш ишига баракали ҳисса қўшишдек олижаноб саъй-ҳаракатларингизда ҳаммангизга омад тилаймиз!

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг жонажон Ватанимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги мавқеи мустаҳкамланаверсин, салоҳияти тобора ошаверсин, фаолияти янада серунум бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК СИЁСИЙ ИЖРОҚЎМИ.



КАШАНДАЛИККА ҚАРШИ

АҚШда ҳукумат томонидан чекувчиликка қарши қабул қилинган қарор ҳам бугунги америкаликни қаноатлантирмай қўйди.

Кашандаликни жиловлаш борасидаги бу чора-тадбирни аввало огоҳлантиришдек «юмшоқ» деб баҳолашяпти. Шу жумладан, бангиликка қарши курашувчилар шу ўринда жиддий қонун ишлаб чиқишни, «огоҳлантириб ўтишгина камлик қилади, ваҳоланки, ўн йиллаб шу йўсинда курашяпмиз» деб эътироз билдирмоқда.

Лекин тамаки ишлаб чиқарувчи саноатчилар эса бу масалада бошқачароқ фикр-мулоҳазалар билдириши табиийдир. Бундан қатъи назар ҳар бир америкалик чуқур англайдики, чекиш саломатликни гаровга тикишдек хавфлидир.

ТАЛАБНОМА ИНОБАТГА ОЛИНДИ

Бельгиянинг «Гренц Эхо» газетаси Украина ҳукуматининг Чернобиль атом электр станцияси биринчи энергоблоки фаолиятини тўхтатишга розилик берганига бағишланган материални чоп этди. Газета хабарига кўра, бундай қарор қабул қилингани ҳақида бугун Украина атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазири Юрий Костенко баёнот берган. Шунингдек, рўзноманинг таъкидлашича, фақат немис томонининг қатъий талабидан сунгтина айнан 30 ноябрда реакторни учиришга розилик беришга қарор қилинган. Германиялик дипломатлар ва ишбилармонлар Украина ҳукуматига талабнома-баёноти билан мурожаат қилиб, агар Чернобиль АЭСи биринчи энергоблоки графикда белгиланган муддатда тўхтатилмаса, улар немис — украин лойиҳаларини маблағ билан таъминлашни бутунлай бекор қилишларини маълум қилганлар.

М. ЗЕМАННИНГ ЖАВОБИ

Маълумки, Россия Давлат думаси (парламент) Чехия, Венгрия, Словакия ва Польша ҳукуматларига мурожаат қилиб, НАТОга аъзо бўлишдан олдин бу ишдан келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибатларни «яхшилаб тарозига солиб кўриш»га даъват этган эди. Чехия парламенти раиси Милош Земан бу «холисона даъват»га жавоб тариқасида, «Чехиянинг Шимолий Атлантика Иттифоқига аъзо бўлиш ёки бўлмаслиги чехларнинг ўзи «чет давлатларнинг маслаҳатларисиз» муҳокама этадиган масала» эканини айтди.

М. Земан НАТОга аъзо бўлишнинг «салбий эмас, аксинча — ижобий томонлари кўп»лигини, жумладан, бу ташкилотга «аъзо мамлакат ўз ҳарбий мудофааси учун икки баробар кам харажат қилиши»ни қайд этди. Шунингдек, Чехия мустақил давлат экани ва бирон ўзга давлатнинг таъсир доирасига тушиб қолишни истамаслигини айтди.

Қайноқ меҳнатдан сўнг қайноқ чой. Ҳурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

УНУМДОР ЕРЛАР ҚАДРИ

Мустақил республикамизда бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш ва иқтисодиётимизни мустаҳкамлаш энг муҳим вазифалардан биридир. Бу борада суғориладиган майдонларни ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш, баҳолаш, уларнинг унумдорлигини ошириш ишларини ўтказиш тақозо этилади.

Кеча Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тупроқ-шунослик ва агрохимия институтида бўлиб ўтган «Бозор иқтисоди шароитида суғориладиган ерларни бонитировка қилишнинг илмий асослари» мавзуидаги анжуман бу борадаги қатор муаммоларни ҳал этишга бағишланди. Икки кун давом этадиган мазкур йиғилишда тупроқ унумдорлигини баҳолаш тамойиллари, суғориладиган минтақаларда тупроқ бонитировкасини ўтказиш услубиятини такомиллаштириш, Тошкент воҳаси типик бўз тупроқларида ҳар хил органик ўғитларнинг тупроқ унумдорлигига ва ҳосилига таъсири масалаларига бағишланган маърузалар тингланади.

Умида ФАЙЗИЕВА.

ОЛДИНГДАН ОҚҚАН ДАРЁНИНГ ҚАДРИ ЙЎҚМИ?

Писком тоғ тизмаларидаги қор ва музлар эриб, унинг зилол чашмалари аста-секин тошу қоялар оша пастликка оқиқади, улардан ариқлар, соҳлар ҳосил бўлади, сўнгра қарабсизки, ирмоқлар қўшилиб, биз учун қадрдон Чирчиқ дарёсига айланади.

Бу қадимий дарё 164 км. йўл босиб, ўнлаб шаҳар ва қишлоқларни, аввало, ичимлик суви билан таъминлайди, экинзорларга, боғу роғларга оби ҳаёт улашади. Бу дарёнинг беназир хизмати шулар билан чекланиб қолмайди — у электр қуввати манбаи ҳисобланади.

Қисқаси, бу дарё Чирчиқ воҳасининг гуллаб-яшнаши учун хизмат қилаётган ҳаёт-мамот манбаи. Бу воҳадаги ўнлаб шаҳарлар, жумладан, пойхатимиз — Тошкент шаҳар аҳолисининг ҳаётини бу дарёсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Хўш, биз бу оби ҳаёт манбаидан қандай фойдаланмоқдамиз, мавжуд сув ресурсларининг ҳолати, ичиб турган сувимизнинг тоза-покизалиги талаб даражасидами?

1996 йил август ойида Олий Мажлиснинг депутатлари гуруҳи «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонун ижросини ўрганиб, республикадаги қуплаб оқар сувлар, шулар қатори Чирчиқ дарёсининг сув таркиби анча ифлосланганлигини кўрсатиб ўтдилар. Чирчиқ дарёсининг кимёвий таркиби Ғазалкент, Чирчиқ, Тошкент, Чиноз шаҳарлари саноат корхоналаридан оқиб чиққан сувлар ва суғориш тармоқлари оқавалари туфайли ифлосланмоқда. Натижада дарё гидрологик режимининг барча босқичларида натрий ва кальций хлорид моддалари учрайди. Кейинги маълумотларга кўра дарёда мис эритмаси охирги рухсат этилган нормадан 1,4 баробар, хром VI моддаси 2 баробар, фенол моддаси эса 3 баробар қуплиги аниқланган. Дарёнинг Тошкентга яқин қисмида 200 дан зиёд саноат ва ишлаб чиқариш объектлари, базалар, чорвачилик комплекслари, дала ҳовлилари жойлашган бўлиб, улар оқар сувни ифлослашда «фаол» иштирок этиб келмоқдалар. Бу корхоналарнинг раҳбарлари табиатни муҳофаза қилиш ходимлари томонидан кўп марта огоҳлантирилган бўлишларига қарамай, яхши тозаланмаган оқаваларни дарёга ташламоқдалар. Шунингдек, Тошкент вилоятидаги 20 та йирик саноат корхонаси чиқитларни дарёга оқизмоқдалар. Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасидан, луб заводидан чиққан оқавалар дарёни ифлослантириб, сув таркибида азот минерали кўпайишига сабаб бўлмоқдалар.« Новомихайловка» посёлкаси яқинида дарё суви текширилганда нитрат азоти рухсат этилган даражадан икки баробар кўп экан. Умуман, дарёга ҳар кеча-кундузда қарийб 1 млн. куб метр етарли даражада тозаланмаган оқава оқизилмоқда.

Шу йил сентябрь охирида Тошкентда ер-сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш масаласига бағишлаб ўтказилган халқаро конференцияда ҳам олимлар ва мутахассислар Чирчиқ воҳасининг ер ости сувлари саноат корхоналари оқава сувлари таъсирида анча ифлослангани, дарё суви эса гидрологик, гидрокимёвий, гидрогеологик ўзгаришларга учраганлиги, унинг минераллашуви жойларда нормадан 3-9 баробар юқорилиги кўрсатиб ўтилди. Ер ости сувининг бундай минераллашуви бизни ташвишлантиряпти. Дарёнинг Чирчиқ шаҳри яқинидан оқиб ўтадиган жойида ташкилотлар боғдорчилик ширкатлари тузиб, ўзларига бу ерда дала ҳовлилари қурмоқдалар. Бунга рухсат берган мутасадди идоралар бундай ножўя ҳаракатлар қонунга зид эканлигини ва бу ерда сув тошиш хавфи мавжудлигини ўйлаб кўрганмиканлар? Ахир, 1995 йилда худди шу жойда бир неча дала ҳовлилари сув остида қолди-ку!

Чирчиқ дарёси ўзанидаги тартибсизликда қурувчилар ҳам ўз «улушлари»ни қўшмоқдалар. Улар ўзандаги шағал, қумларни ҳеч қандай рухсатсиз ташиб кетмоқдалар. Натижада ҳандақлар ҳосил бўлиб, ўзаннинг туби ювилиб кетяпти, соҳилдаги баъзи ҳимоя зоналарига путур етказилмоқда. Бундай ўзбошимчаликнинг олди олинмаса, кейинчалик у кўплаб кўнгилсизликларга олиб келиши мумкин.

Чирчиқ мамлакатимиз дарёлари орасида энг ёйилиб ва бурамалар ҳосил қилиб оқадиган дарё ҳисобланади. У асрлар давомида ўзанларини ўзгартириб, ён-верида бўш майдонлар вужудга келтириб келди. Эндиликда дарё ўзанига тўғри йўналиш бериш, бунинг учун илмий-текшириш ва лойиҳа-изланиш ишлари олиб бориш, қурилиш-тиклаш ишларини ташкил этиш ва шу мақсадлар учун тегишли равишда маблағ ажратиш ҳеч кечиктириб бўлмайдиган вазифа ҳисобланади.

Бу муаммоларни амалга ошириш учун дарёдан тўғри фойдаланишга жавоб берадиган ташкилот (юридик шахс) бўлиши керак. Бу ташкилот сувнинг тозалигини назорат қилиб бориши, қурилиш ва тиклаш ишларига раҳбарлик қилиши зарур. Бу ишларга иқтисодий ислоҳотнинг ажралмас қисми сифатида қарашимиз лозим, чунки дарё бизнинг жонажон воҳамизга оби ҳаёт бахш этади, иқтисодиётимизнинг ривожланишига имконият яратади. Ватанимиз чиройига-чирой, кўркига-кўрк қўшади. Унинг сувини тоза-покиза сақлаш, ифлосланишдан муҳофаза қилиш — барчамизнинг соғ-саломатлигимиз гаровидир.

Содиқ МЎМИНОВ.

ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ВА ИШЛАШ – ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ўзлаштирилган, холос. Бундай аҳволни қандай тушуниш мумкин?

Қатъий интизом, юксак талабчанлик, ишда аниқ маромни таъминлаш, қайси тоифада бўлмасин, ҳар бир раҳбарнинг энг муҳим фазилати бўлмоғи керак! Акс ҳолда раҳбар ўзига ишонч билдирган халқни қийин аҳволга солиб қўйиши, мамлакат ривожига тўғаноқ бўлиши ҳеч гап эмас, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг муваффақияти, мулкка эгалик ҳиссини кучайтириш билан боғлиқ. Худди шу мақсадда давлат хўжаликлари жамоа, ширкат, деҳқон (фермер) хўжаликлари уюшмаларига айлантирилди. Бироқ бу ўзгаришлар ҳам вилоятда кутилган самараларни бермаяпти.

Бунинг сабабларидан бири — хўжалик раҳбарларининг ўзи ислоҳотлар моҳиятини тўла тушуниб етмаганидадир. Уларнинг ишни қандай ташкил қилиш, мулкчиликни ривожлантириш ва унинг асосида одамлар манфаатдорлигини ошириш тамойилларини англаб етмаётгани, аксарияти манфаатпарастлик гирдобига тушиб қолгани кишини ранжитади.

Кейинги йилларда техникани сақлаш, таъмирлаш ва ишлатиш борасидаги ишлар ҳам талабга жавоб бермайди. Шу йил 1 октябргача **вилоятдаги умумий трактор паркларининг тайёргарлиги 69 фоиз, шундан ҳайдов тракторларининг 47 фоиз, пахта териш машиналарининг 66 фоиз бўлган, холос.**

Боз устига, бу муҳим ишда кўзбўямачиликка йўл қўйилган. Биргина мисол: Сирдарё туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ҳисоботида 7 та пахта териш машинаси теримга тайёрлиги кўрсатилган. Текширишда биронта ҳам техника ишга шай эмаслиги аниқланди.

Техникага муносабатни шу кунларда пахтазорларда ишлаётган пахта териш машиналари сонидан ҳам билса бўлади. **Мавжуд 2200 машинанинг 40 фоиздан кўпроғи ёки 800-900 таси ишлаяпти, холос.** Уларнинг иш унуми жуда паст. Кейинги уч йилда ҳайдов ва чопиқ тракторлари 5 фоиз янгиланди, холос.

Дон етиштириш ҳажми асосан экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига кўпайди. Ҳосилдорлик эса тобора камайиб бормоқда. Жорий йилда **гектар ҳисобига етиштирилган ғалла ҳосили 16 центнерга ҳам етмади. Ялпи ҳосил топшириқдаги 312 минг тонна ўрнига эса 165 минг тоннани ташкил этди.**

Мирзаобод, Меҳнатобод, Оқолтин, Ш. Рашидов туманларида гектаридан 11-14 центнердан дон олинди. Бундай қолоқликнинг сабабларидан бири вилоятда уруғчиликка аҳамият берилмаганлигидадир.

Ўтган йили экилган ғалла майдонларига 40 фоиз уруғлик фақат биринчи ва иккинчи нав талабларига жавоб берганлигини қандай баҳолаш мумкин, деган саволни кўндаланг қўйди Президент. Вилоят ҳокими F. Ҳасановнинг шахсан топшириғи билан давлат буюртмасини бажарган хўжалик ва туманларга зуғум қилиниб, уларнинг уруғликка сақлаган сара донлари тортиб олинди.

Натижада илғор хўжаликлар бир килограмм уруғлик ғаллани 7 сўмдан сотиб, 23-28 сўмдан паст навли донни қайтадан сотиб олдилар. Бу эса, **биринчидан**, ғалла етиштирувчилар ўртасида норозиликнинг пайдо бўлишига, **иккинчидан,** кейинги йилги ҳосилнинг камайиб, навларининг бузилишига, **учинчидан**, ғалла мустақиллигига эришиш каби давлат сиёсатининг барбод бўлишига олиб келмоқда.

Ўрим-йиғим пайтида ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўйилди. Вилоятда бу мавсум 74 кун давом этди. Қани, айтингчи, ўрим-йиғим қанчалик чўзилса, шунчалик талон-торожликка йўл қўйилмайдими?

Вилоятда кейинги йилларда картошка, сабзавот, полиз ва узум етиштириш ҳам кескин камайди. Ҳосилдорлик паст бўлмоқда. Ўрта ҳисобда боғ ва узумзорларнинг ҳар гектаридан 15, сабзавотлардан 70, полиз маҳсулотларидан 65, картошкадан 50 центнер ҳосил олинмоқда.

Шу йилнинг 9 ойи мобайнида жамоа, ширкат, деҳқон хўжаликларида 3,8 минг тонна сабзавот, 3,6 минг тонна полиз маҳсулотлари, 4,3 минг тонна мева ва узум етиштирилган. Шунча маҳсулотни бир хўжаликда етиштириш мумкин. Шунинг ўзиёқ вилоятда мева ва сабзавот етиштиришнинг қай аҳволда эканлигини кўрсатиб турибди.

Вилоят аҳолисига истеъмол учун бир йилга 30 минг тоннача картошка керак бўлади. Ер етарли бўлса, бошқа барча имкониятлар мавжуд бўлса, нахотки вилоят ўз эҳтиёжини ўзи қондиролмаса?! Бу йил вилоят бўйича 150 гектар ердан 600 тонна картошка ҳосили йиғиштириб олинганини қандай изоҳлаш мумкин? 4 тонна картошкани уруғ сифатида ишлатиб, бир гектардан 4 тонна ҳосил олса, буни қандай баҳолаш мумкин?

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, аҳолининг чорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш борасида жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Жорий йилда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сут ва гўшт етиштириш 4 фоиз камайди. Қорамоллар, шунингдек, сигирлар, қўй ва эчкилар бош сони камайтириб юборилди.

Ачинарлиси шундаки, нуқсонлардан тегишли хулосалар чиқарилмаяпти, аксинча, бепарволик ва укувсизлик натижасида муаммолар тобора чуқурлашмоқда, деди Президент. Бугунги кунда бир бош шартли молга 4,4 озуқа бирлигида ем-хашак тайёрланди. Бу икки ярим ойга етади, холос.

Сессияда қишлоққа саноатни олиб кириш масаласини ҳал этиш ҳам кўнгилни хира қиладиган даражада эканлиги таъкидланди. Бу борада маҳаллий хом-ашёлардан умуман фойдаланилмаяпти. Сўнгги йилларда сабзавот, мева ва узум маҳсулотларини қайта ишловчи кичик-кичик цехлар қуришга киришилган бўлса-да, улар қувватидан самарали фойдаланилаётгани йўқ.

1993 йили вилоятда 5 та қўшма корхона тузилган. Шу йилга келиб уларнинг сони 17 тага етган. Лекин фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар сони 5 талигича қолган.

Катта шов-шувлар остида Оқ олтин туманида Италия билан ҳамкорликда «Каррера», Гулистон туманида Россия билан ҳамкорликда «Голиб» қўшма корхоналари ташкил этилган эди. Бироқ улар ишда изчилликнинг йўқлиги, ташкилотчилик ва ишбилармонликнинг етишмаслиги туфайли фаолият кўрсата олмади.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш — иқтисодий тараққиёт негизи. Лекин бу ҳақиқатни вилоят раҳбарлари чуқур англамайди. Шу йилнинг ўзида кичик ва хусусий корхоналар сони 147 тага, уларда ишловчилар сони эса 10 фоиз камайган. Мавжуд корхоналарнинг 6 фоизигина халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаряпти.

Аҳолининг жойлашишига қараганда, мазкур корхоналарни асосан қишлоқларда очиш мақсадга мувофиқ бўларди. **Лекин уларнинг аксарияти шаҳарларда жойлашиб, олиб сотарликдан бошқа фаолият кўрсатолмаяпти. Қишлоқларнинг учдан бир қисмида кичик ва хусусий корхоналар ташкил этилмаган.**

Жорий йилнинг 9 ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 10 фоиз ўсган. Лекин мавжуд корхоналарнинг 33 фоизида ишлаб чиқариш камайган. Натижада 135 миллион сўмлик саноат маҳсулоти кам ишлаб чиқарилган. Гулистондаги ёғ-экстракт заводи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 26 миллион, Сирдарё гуруч заводи 14 миллион сўмга пасайтирган. Ҳар иккала завод маҳсулотлари эса халқ истеъмоли учун жуда зарурдир.

Вилоятда қурилиш ҳажми деярли кўпаймаган. Ҳукуматнинг қишлоқ ижтимоий-иқтисодий инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган қарорининг бажарилиши таъминланмаган. Дастур асосида қишлоқларда умумтаълим мактаблари, уй-жой қуриш, ичимлик сув билан таъминлаш ва газлаштириш йиллик топшириқлари 15 фоизга бажарилган, холос.

Давлат корхоналари негизида ташкил этилган ҳиссадорлик жамиятларини ташкил этиш борасидаги ишлар ҳам қониқарли эмас. Йил чораларида ва охирида ҳиссадорлар ўзларининг сотиб олган акция ва пайларига дивиденд, яъни даромад олишлари керак. Ўтган йили вилоятдаги 174 та ҳиссадорлик жамиятининг биронтаси ҳам ҳиссадорларга умуман дивиденд бермаганликларини қандай тушуниш мумкин?

Жорий йилнинг дастлабки 9 ойидаги натижалар ҳам кўнгилдагидек эмас. Ҳиссадорлик жамиятларининг учдан бирида дивиденд берилмаган. Бу ислоҳотларнинг обрўсига путур етказиш эмасми, деган саволни қўйди мамлакатимиз раҳбари.

Вилоятда бозор муносабатларини шакллантириш борасида давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналарда ислоҳотларни амалга оширишда сусткашлик, бепарволик, ҳар хил поғоналарда тўсқинлик ҳоллари юз бераётгани яққол сезилиб турибди.

Мавжуд 210 та ҳиссадорлик жамиятининг фақат 178 таси «вақт» миллий депозитарийсидан ўтган. Шундан фақат бугунги кунда 73 таси ўз акцияларини сотган. **Жойларда шахсий уй қуриш учун ер майдонларини сотиш ишлари суст бормоқда. Вилоятда бу топшириқ бажарилиши 21 фоиз бажарилган, холос.** Айниқса, Гулистон, Баҳт шаҳарлари, Гулистон, Сирдарё туманлари ҳокимлари бу муҳим масалага ўта совуққонлик билан қарамоқда.

Совуққонлик бўлса ҳам бир нави эди, лекин мен бу масалада асосий тўсиқ — жойларда ўтирган томорқа ва уй-жой қурилиши учун ер ажратишга мутасадди раҳбарлар ва ҳар хил «арбоблар»нинг қўли ноёклиги деб биламан, деди Президент. Нима, Сирдарёда ер етишмайдими? Бунга ким ишонади?

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун вилоят «Бизнес-фонди» маблағларини тақсимлашда жиддий хатоларга йўл қўймоқда. 59 миллион сўмлик имтиёзли кредитни фақат Гулистон шаҳри, Боёвут ва Мирзаобод туманлари олган. Нега бошқа туман ва шаҳарлар четда қолди? Буни мазкур ташкилот раҳбари қандай изоҳлайди? Ўзини нима билан оқлайди?

Вилоятда бюджетнинг даромад қисми бажарилган. Лекин солиқ бошқармаси ходимларининг ишни тўғри ташкил этмаганлиги туфайли қарздор ташкилотлар сони ортмоқда. Ўтган даврда текширилган 1952 объектнинг яримида солиқ қоидалари қўпол равишда бузилган. Бу ўз навбатида солиқчиларимизнинг янги қонун-қоидаларни ўз вақтида тегишли хўжалик ташкилотларига етказмаётганлигини кўрсатади.

Шу йилнинг 9 ойида Молия вазирлигининг вилоят назорат тафтиш бошқармаси томонидан 290 марта тафтиш ва текшириш ўтказилиб, шундан 71 фоиз ҳолларда 9,2 миллион сўмлик зарар аниқланди.

Эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш республика ҳукуматининг доимий диққат эътиборида турибди. Лекин Сирдарёда шу йилнинг 9 ойи давомида ажратилган 56 миллион сўм маблағнинг 10 миллион сўми ўз эгаларига етказиб берилмади.

Айниқса, вилоят иқтисодиётидаги боқимандалик кайфияти иқтисодий ҳамда молиявий аҳволни оғирлаштирди, деб таъкидлади Президент. Даромаднинг кескин камайгани туфайли корхоналарнинг дебитор ва кредиторлик қарзлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2-3 баравар кўпайган. 42 ташкилотнинг тўлов қобилияти йўқлиги аниқланиб, шундан 7 таси банкрот деб эълон қилинди.

Пул эмиссияси ўтган даврда қарийб 71 фоизни ташкил этди. Бу республика ўртача кўрсаткичидан қарийб 4 марта юқоридир. Меҳнатобод, Сайхунобод, Ш. Рашидов, Мирзаобод туманларида муомалага чиқарилган ҳар 100 сўм пулнинг 85-91 сўми қайтиб банкка тушмаяпти. Натижада нафақа, пенсия ва иш ҳақи бериш муддатлари бузилмоқда. Шу кунгача тўлов муддати ўтган маблағ 800 миллион сўмни ташкил қилади.

Нақд пул тушумини кўпайтириш бўйича амалий ишлар қилинмаяпти. Бунинг сабаблари ўрганилганда, барча савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш корхона ва шаҳобчаларининг ярмидан кўпида ҳалигача назорат-касса аппаратлари йўқлиги аниқланди.

Кўпгина корхона ва ташкилотларда нақд пулларни банкка топширмай мақсадсиз ишлатиб юбориш ҳоллари кўплаб учрайди.

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари аҳоли талабини тўла қондиролмаяпти. Қишлоқ жойларда бундай шаҳобчаларни кўпайтиришга эришилмаяпти. Аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган хизмат турларини кўпайтириш, мавжудларининг бир маромда ишлашини таъминлаш, қишлоқ аҳолисининг бир қисмини ана шу соҳага жалб қилиш вилоят ва туман ҳокимликлари эътиборидан четда қолмоқда.

Ёш авлоднинг маънавий камолоти ва жисмоний соғлигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳам етарли даражада эмас. Соғлом, бақувват авлодни тарбиялаб, вояга етказиш ҳукумат диққат марказида турган бир вақтда, кўплаб болалар боғчаларининг ёпиб қўйилганини қандай тушуниш мумкин? Мактабгача ёшдаги болаларни боғчаларга жалб қилиш қарийб 50 фоиз камайиб кетган.

Кўпчилик мактаблар таъмирга муҳтож. Уларнинг 35 фоизида ичимлик сув, 60 фоизида спорт заллари ва майдончалари, 50 фоизида ошхоналар йўқ. Энг ачинарлиси, кўпчилик мактаблар қошидаги тиббиёт пунктлари қисқариб кетган. 14 ёшгача бўлган болаларнинг 78 фоизи тиббий кўрикдан ўтказилганда, уларнинг 50 фоизида турли касалликлар аниқланганига нима дейсиз?

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси қишлоқларда жойлашган тиббиёт муассасаларига кам эътибор беряпти. Мавжуд қишлоқ шифохоналари, врачлик амбулаториялари, фельдшерлик пунктларининг ярмидан кўпида тегишли шароит йўқ. Соғлиқни сақлаш соҳасига маҳаллий бюджетдан ажратилаётган маблағлар йилдан-йилга камайиб кетмоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда маънавий-ахлоқий қадриятларни тиклаш, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёшларни маданий меросимиз ва тарихий анъаналаримизга ҳурмат ҳамда Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида бир қанча қарорлар қабул қилинди.

Лекин вилоятда уларнинг бажарилиши маънавият моҳиятини тушуниб етмаган раҳбарлар томонидан тадбирбозликка айлантириб юборилганини қандай тушуниш мумкин, деган саволни ўртага қўйди Президент.

Фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ҳуқуқ-тартибот ташкилотлари фаолиятидан (П. Жумаев, Ф. Раҳимов) норозиликлар кўпаймоқда. Одам ўлдириш, босқинчилик, товламачилик, безорилик каби жиноятлар йил сайин кўпайиб бормоқда. Ўғрилик, талон-торож қилиш каби қонун бузилишлар кенг тарқалган. Республика ташқарисига товар-моддий бойликларимизни олиб чиқиб кетилишига чек қўйилмаган.

Юқоридаги таҳлил қилинган масалаларнинг ечими, энг аввало, кадрларнинг бошқарувчилик қобилиятига, янгича ўйлаш ва янгича ишлашнинг моҳиятини нечоғлик англаб олишига боғлиқ. **Бу борада ҳар доим, ҳамма жойда биринчи раҳбар ибрат ва намуна бўлмоғи керак.**

Ана шу жиҳатдан қараганда, вилоят ҳокими F. Ҳасанов йўл қўйилган барча камчиликлар учун жавобгардир.

Вилоятда кадрларни танлаш ва вазифаларга қўйиш ишига эскича ёндашилмоқда. Турли манфаатпарастлик, одамларни шахсий садоқатига қараб танлаш иллатлари кўзга ташланмоқда. Кадрлар қўнимсизлигига йўл қўйилмоқда. Сўнггги уч йилда вилоятда 14 та туман ва шаҳар ҳокимларидан 11 таси almаштирилди. Шу давр ичида хўжалик раҳбарларининг 64 фоизи ўзгартирилган. Мирзаобод, Меҳнатобод, Оқолтин (Ўроллов, Раҳмонов, Қаюмов) туманларида қарийб 100 фоиз хўжалик раҳбарлари алмашган.

Хўш, мана шундай ўзгаришлар қандай натижа берди, деган савол туғилиши табиийдир. Аввало шунга аҳоҳида эътибор бериш керакки, алмаштирилган янги раҳбарлар орасида 40 ёшгача бўлганлари атиги 12 фоизни ташкил қилади, холос!

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз айтганидек: «ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр» кишиларни раҳбарлик лавозимига—вазифасига тайинлаш учун ёшлар сафидан топиш қийинми?

Чўлнинг қийин шароитида ўсаётган ва тобланаётган, эл-юртига садоқати ва миллий ғурури баланд ёшлар Сирдарё воҳасида камми? Бундай ёндашишнинг бошқа сабаби борлигини кўпчилик яхши билади. Одамлардан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди. Раҳбарлик лавозими — вазифасига ўтказиш, тайинлаш масаласида эскидан қолган сарқит — маҳаллийчилик, уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик, порахўрлик иллатлари устунлик қилмоқда. Яна бир сабаб —**кўпчилик вилоят, туман раҳбарлари ўзларидан кучлироқ, салоҳияти кўпроқ ёшлар ўсишидан кўрқиб, уларнинг йўлига тўсиқ қўймоқда.** Бундай аҳволни таг-томири билан йўқ қилишимиз даркор, деб алоҳида таъкидлади мамлакатимиз раҳбари.

Шу йилнинг 9 ойи давомида Президент девонига вилоятнинг 640 минг аҳолисидан 515 та хат ва ариза келган. Шахсий қабулда 193 киши бўлган. Хат ва аризалар ва қабулда бўлганлар кадрлар сиёсати, маъмурий-ҳуқуқий қонунчилик ишлари, иқтисодий хўжалик юритишнинг янги усуллари, уй-жой шароитларини яхшилаш соҳаларидаги камчиликлар билан мурожаат қилишган.

Юқорида айтилган камчиликлардан биттагина хулоса бўлиши мумкин: энди имкониятларни чамалаб чиқиб, мавжуд омилларни ишга солиб, йўл қўйилган хатоларни бартараф этиш чораларини кўришимиз керак, деди Ислом Каримов пировардида. Зеро, йиллар синовидан ўтган халқ иродаси ҳамма нарсага қодир.

(ЎзА).

Ўзбекистон ХДП беш ёшда

БУНЁДКОР

«...Ҳақиқий демократиянинг зарур ва қонуний белгиси бўлган туб маънодаги кўппартиялиликни шакллантириш учун жамиятимизнинг сиёсий тузумини янгилаш асослари яратилди».

«Турли партиялар ва ҳаракатлар фаолияти учун ҳуқуқий замин мавжуд».

«Ҳозирги вақтда республикада 4 та сиёсий партия ва ижтимоий ҳаракат фаолият кўрсатмоқда. 200 га яқин жамоатчилик бирлашмалари рўйхатдан ўтган».

«Ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишда жамоат, нодавлат тузилмаларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгадир».

И. А. КАРИМОВ.

1 ноябрь куни ташкил топганига 5 йил тўлаётган ва ҳозир жамиятимизнинг нуфузли сиёсий кучларидан бири, деб эътироф этилаётган Ўзбекистон Халқ демократик партияси бундай мавқега қандай эришди? Ўзбекистон ХДП олдида бугун кўндаланг бўлган муаммо ва вазифалар ҳақида нима дейсиз? Мамлакат тараққиёти ҳозирги босқичида мазкур партия ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини қандай тушунасиз? Ўзбекистон ХДП демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида аҳоли сиёсий фаоллигини оширишга қай йўсинда ҳисса қўшиши мумкин? Умуман, партиявий ишларни янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларингиз нималардан иборат?

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятларининг шулар каби саволларига Ўзбекистон ХДПнинг бир гуруҳ фаоллари жавоб беришга ҳаракат қилдилар.

Қуйида уларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг беш йиллигини тантанали байрам қилганимизга ҳали кўп бўлгани йўқ. Яқиндагина эса, машҳур ватандошимиз — соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тўйини, бутун дунёдаги дўстларимиз билан биргаликда, нишонладик. Мана, энди партиямиз ташкил этилганлигининг беш йиллиги арафасида турибмиз.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: 1991 йилда янги партияни тузишга бўлган зарурат нимадан иборат эди? Она-Ватанимиз — Ўзбекистон, халқимизнинг асрий орзу умидларини ифода этиб, унинг энг яхши ўғил-қизларининг, сўнгги бир ярим аср давомидаги, саъй-ҳаракатларига зафарона якун ясаб, ўз миллий давлат мустақиллигини эълон қилган дастлабки кунларданоқ, юртбошимиз И. А. Каримов мамлакатимизни жаҳоннинг тараққий топган давлатлари сафига олиб чиқиш ғоясини олға сурди. Табиийки, бундай улуғвор мақсадларга эришиш учун диёримизда янги, демократик сиёсий кучларнинг пайдо бўлиши талаб қилинарди. Чунки, кечаги кундан қолган бошқарув тузилмаларининг куни битган, улар, эндиликда, ночор аҳволга тушиб қолган эдилар. Шу боис, ҳаётнинг ўзи, мақсад-муддаоси, фаолиятининг мазмуни ва иш усуллари жиҳатидан, батамом янги сиёсий ташкилотларни тузишни тақозо этди. Бундайин янги ташкилотлардан бири — Таъсис қурултойи 1991 йил 1 ноябрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Халқ демократик партиясидир.

Қурултой делегатлари ўшанда, партиямиз ўз фаолиятида халқнинг энг яхши анъаналари, тарихий тажрибасига, адолат, эзгулик, тенглик ва инсон эркинлиги каби умуминсоний қадриятлар ҳамда мақсадларга, юксак ахлоқийлик қоидалари, одамийлик фазилатларига суянади, деб тантанавор ваъда бергандилар. Шундан келиб чиқиб, ХДП элимиз меҳнат аҳли, ҳар бир оиланинг моддий ва маънавий баркамол бўлишига тенг имкониятлар яратиш, уларнинг конституциявий ҳуқуқлари, фуқаролар эркинликларини кафолатлаш, дини, мазҳаби, миллатидан қатъи назар, барча ҳамюртларимизнинг шаъни, қадр-қимматини, тинч ҳаётини ишончли ҳимоя қилиш, жамиятимизда адолатни тўла қарор топтириш ишига ҳисса қўшиш — мазкур партиянинг бош сиёсати, унинг кундалик фаолиятининг муҳим вазифаси ҳамда олий дастурий мақсади, деб белгиланди. Албатта, ушбу мақсадга эришиш учун ғоялари мафтункор, сиёсий етук, уюшқоқлиги жиҳатдан мустаҳкам ташкилотни вужудга келтириш лозим эди.

Очиқ айтаман: партиямизнинг шаклланиши, оёққа туриши ва элга танилиши учун кўп тер тўкишга тўғри келди. Йўлимизда хилма-хил мураккабликлар учради, тушунмовчиликлар, баъзан, иккиланишлар ҳам рўй берди. Шукрлар бўлсинким, партиямизнинг барча даражадаги кенгашлари, ташкилотлари ҳамда аъзоларининг сабр-тоқат ва қатъият билан олиб борган ишлари туфайли, уларнинг кўпчилиги ортда қолди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ХДП — ташкилий жиҳатдан тўла-тўкис шаклланган, ғоявий-сиёсий томондан ўзининг аниқ йўли ва мафкурасига эга, амалий ишлари боис эл-юрт ишончини қозонган, хориждаги турдош ҳамда маслакдош партиялар билан алоқалари кенгайиб бораётган, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидан муносиб ўрин эгаллаган нуфузли сиёсий куч — парламент хилидаги партиядир. Ҳозир унинг таркибида 1 та республика (Қорақалпоғистон), 13 та вилоят (жумладан, вилоят кенгаши мақомига эга Тошкент шаҳар), 31 та шаҳар, 177 та туман кенгаши ҳамда 14 мингдан зиёд бошланғич ташкилотлар бор. Улар ўз сафларида 440 мингга яқин аъзони бирлаштирган. Булар аҳоли барча қатламлари вакиллари — зиёлилар, ишчилар, хизматчилар, деҳқонлар, тадбиркорлар, ёшлар, фахрийлар, 80 га яқин миллат ва элатга мансуб кишилардир. Жамиятимизда қарор топган кўппартиялилик шароитида ХДПга кираётганлар сафи камаймай, аксинча, кўпаяётганлиги ҳам халқимиз унинг дастурий ғоя ва мақсадларини кенг қўллаб-қувватлаётганидан дарак беради.

1991 йил 29 декабрда ўтказилган президент сайлови, 1994 йил 25 декабрдаги Олий Мажлис ва давлат ҳокимияти маҳаллий идораларига сайловлар партиямиз учун жиддий имтиҳонлар бўлди, десак хато қилмаймиз. Ўзбекистон ХДП улардан шараф билан ўтди. Халқимиз ХДПнинг аҳоли билан ҳамдард ва ҳамнафаслигини унинг ранг-баранг ишларида, масалан, аҳолининг камхарж қисмини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида ўтказаётган турли-туман тадбирларида, республикада амалга оширилаётган туб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий ўзгаришларда фаол қатнашаётганлигида эканлигини кўриб турибди. Юртимиз тақдири, халқимиз манфаатлари билан боғлиқ муҳим масалалар ечими партиямизнинг, у ёки бу шаклдаги, иштирокида ҳал этилаётганлиги унинг жамиятимиздаги юксак мавқеи ва масъулиятидан дарак беради.

Мамлакат парламенти ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказилган сайловлар натижаларига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Партиямиз, унинг якунларига кўра, Олий Мажлисда 69 та ўринни эгаллаб, энг йирик депутатлар фракциясини тузди. Давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларида эса ХДПдан сайланганлар барча депутатларнинг ярмига яқинини ташкил қилади. Уларнинг, ҳуқуқий, демократик давлатни қуриш, адолатли фуқаролик жамиятини бунёд этиш йўлида, қонун яратувчилик иши билан жиддий шуғулланаётганликларини, ХДПнинг навбатдан ташқари II қурултойи (1994 йил 1 ноябрь)да қабул қилинган сайловолди Сиёсий дастуридаги мажбуриятларни бажариш имкониятларини сабот ила излаётганликларини ва бу борадаги муайян натижаларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Партиямиз ўз тарихининг олтинчи йилига қадам қўяётган ҳозирги дамларда Президент И. А. Каримов бошлиқ республика раҳбариятининг кенг қамровли ислоҳотлар йўлини, халқчил ички ва ташқи сиёсатини, юрт тинчлиги, фуқаролар тотувлиги, миллатлараро иноқликни, Ватанимиз хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган фаолиятини барча чоралар билан қўллаб-қувватлаш, аввалгидек, ташкилотларимиз учун энг муҳим, асосий вазифа бўлиб қолаверади. Фаолиятимизнинг устувор йўналишлари — парламентчилик, ташкилий-сиёсий, ғоявий-мафкуравий ишлар ва халқаро алоқаларни янада ривожлантириш, уларни шу кун талаблари даражасига олиб чиқишдан иборатдир.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш энг зарурий масалалар сирасидан жой олган. Демократик тартиботлар қарор топишининг муҳим белгиси — кўппартиялилик тизимининг мустаҳкамланишидир. Олий Мажлиснинг VI сессияси биринчи ўқишда қабул қилиниб, умумхалқ муҳокамасига қўйилган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси, унинг такомиллашуви ва истиқболда қабул қилиниши ушбу жараёнга юксак самара бахш этиши турган гап, албатта. Ҳозир бутун партиямизда ўтаётган муҳокамада Қонун лойиҳаси асосан маъқулланиб, уни қиёмига етказишга оид таклиф ва истаклар билдирилмоқда.

Партиямиз аъзолари — жонажон элимизнинг имон-эътиқодли, заҳматкаш, инсонпарвар, ислоҳотлар ишига содиқ, бунёдкор фарзандлари — халқимизнинг эзгу ниятларини рўёбга чиқариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар, тоинки, юртбошимиз айтганларидек, келгуси авлодларга биздан озод ва обод Ватан қолсин!

Наманган шаҳридаги 2-бирлашган болалар шифохонаси бошланғич партия ташкилоти котиби К. Каримов шифохонадаги партия аъзолари билан «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини муҳокама қилишаётган пайт.

ЎСИШ, УЛҒАЙИШ ЙИЛЛАРИ

Партия ташкил этилган 1991 йилда 28 та шаҳар, 173 та туман кенгашлари мавжуд бўлса, 1996 йилга келиб шаҳар кенгашлари сони 31 тага, туман кенгашлариники эса 177 тага етди.

Бошланғич партия ташкилотларининг умумий сони ўтган 5 йил ичида 12029 тадан 14003 тагача, жумладан, ҳудудий партия ташкилотлари 3215 тадан 4357 тагача ошди.

1991 йилда ХДП аъзолари 337214 кишини ташкил этган бўлса, шу йилнинг 1 октябригача бўлган кўрсаткич 436337 нафарни ташкил этди.

1992 йилда УзХДПга 26253 янги аъзо қабул қилинган бўлса, шу йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида 29596 киши партиямиз сафларига кирди.

Ўзбекистон ХДП беш ёшда

ҲАРАКАТЛАР ПАРТИЯСИ

ОНА — МИЛЛАТ ЮЗИ

Дилбар ҒУЛОМОВА, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси

Ҳар қандай жамиятда демократик ислоҳотлар ривожини сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг фаол иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбекистонда шаклланиб, фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ва ҳаракатлар муайян мавқега эга бўлмоқдалар, улар давлатимизда қарор топган сиёсий тузумнинг ажралмас қисмига айланиб қолди.

Шундай нуфузли сиёсий кучлардан бири — Ўзбекистон Халқ демократик партияси — юртимиз келажаги — ёш авлодлар Она бағрида камол топишини эътироф этган ҳолда, ўз Дастурида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ва эъзозлаш масаласига алоҳида ўрин берган. Жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишларни партия дастурий ғоялари билан солиштирсангиз, уларнинг бир-бирига ҳамоҳанг эканлигини кўрасиз. Партиянинг юртга, элга танилаётганлиги ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий таянчи сифатида ўз обрўсига эга эканлиги унинг оналарга, ёшларга бўлган муносабатида ҳам, деб биламан.

Ташкил топганига беш йил тўлаётган ХДП дунёга келган дастлабки кунларданоқ, хотин-қизлар орасида иш олиб боришга катта аҳамият бериб келаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. ХДП аъзолари орасида хотин-қизлар қатламини ўстириш, фаол аёлларни раҳбарлик лавозимларига тавсия қилиш, энг муҳими, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, улар орасидан тадбиркорларни тарбиялаб етиштириш — партия ташкилотларининг биринчи даражали вазифаларидан бўлиб келди ва, ўйлайманки, шундай бўлиб қолади. Ҳозирги пайтда ЎзХДП аъзоларининг қарийб чорак қисмини аёллар ташкил этаётганлиги, мамлакатимиз парламенти ва давлат ҳокимияти маҳаллий идораларига партия рўйхатидан сайланган жуда кўплаб опа-сингилларимиз иш олиб бораётганлиги фикримиз далилидир.

Мен бугун бошқа бир жиҳатни ҳам эсга олиб ўтишни истардим. Бу — Ўзбекистон ХДП ва Республика хотин-қизлар қўмитаси ташкилотлари орасидаги ўзаро амалий ҳамкорликдир. Шу туфайли, биргаликда, жуда кўплаб тадбирлар ўтказиляптики, улар умумий мақсадга — она-Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, ислоҳотларни чуқурлаштиришда хотин-қизлар иштирокини кучайтиришга кўмаклашиш, бунинг учун уларга қулай шарт-шароитларни яратиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни тарбиялаб етиштириш ишига хизмат қилмоқда.

Олдимизда эса, муҳим вазифалар турибди. Партия ташкилотлари жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари билан биргаликда оилани мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш, хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза этиш, хотин-қизлар тадбиркорлигига кўмаклашиш, ёшларни турмушга тайёрлаш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш, турли жиноятлар содир этилишига қарши курашиш каби масалаларда бир ёқадан бош чиқариб, фаолият кўрсатишлари даркор.

Айни пайтда, юртбошимизнинг Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини кучайтиришга йўналтирилган Фармони ташкилотларимиз учун дастуриламал бўлиши керак, деб ҳисоблайман. «Мен, Ўзбекистон фарзандиман», деган фикрни ҳар бир фуқаро қалбига жо этиши, бу муқаддас туйғу ҳар бир хонадонда, боғча ва мактабда, ўқув юртлари ва ишхоналарда шаклланиши, қадрланиши зарур. Бу ўринда ёшлар тарбияси билан шуғулланаётган оналаримизнинг маданиятини, маънавиятини бойитишдек долзарб вазифалар ҳаммамиздан фаолликни талаб қилади.



Тошлоқ туманидаги Х. Марозиқов номли жамоа хўжалигининг 13-бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон ХДП аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони Комилжон Мамажонов жамоа илғорлари орасида тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

УЙҒОНИШ ВА ЎНГЛАНИШ ДАВРИ

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси

Биламиз, беш йил тарих учун бир лаҳза. Лекин, энди қад ростлаб, жаҳонга танилиб улгурган мамлакатимиз учун ўтган бу муддат ғоят қадрлидир. Балки, ўзгалар бизнинг шу бетакрор ҳаяжонимизни ҳис қилолмас. Бундан ажабланмаслик керак. Чунки, қисқагина бу фурсатнинг унутилмас қувонч ва ташвишлари фақат бизларгагина аён. Шунинг учун ҳам мен ҳеч иккиланмасдан, босиб ўтилган бу манзилни Уйғониш ва Ўнгланиш манзили, дегим келади.

Шу ўринда ўзим мансуб бўлган Халқ демократик партиясининг бир камтарин вакили ва шу партия номидан сайланган депутат сифатида кечган беш йилни партиямиз ҳаётида ҳам ўзига хос, унутилмас из қолдирганини таъкидлашим керак. Тўғри, дастлшаб бу партия ҳақида айримлар билиб-билмай ҳар хил мулоҳазалар билдирган бўлишлари мумкин. Лекин, вақт барибир ўзининг одил ҳакамлигини исботлади. ХДП қисқа муддат оралиғида эл-улус орасида обрў топди. Эътибор қозонди. Ўз ўрнига, сўзига эга бўлди. Буларнинг ҳаммаси, аввало, мамлакатимизда доно юртбошимиз бошчилигида олиб борилаётган одилона сиёсатнинг ва тўғри танланган ўз йўлимизнинг муваффақиятлари мевасидир.

Ҳайрият, ҳурлик туфайли ўз эркимизни англадик. Ўзлигимиз, ўтмишимиз, бой ва бетакрор анъаналаримиз қадрига етмоқни ўргандик. Булар ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Барчасига халқ билан ҳамфикр, бамаслаҳат иш юритилгани боис эришилди. Мен айтаётган бундай ибратомуз, хайрли қадамлар партиямиз фаолиятининг ҳам энг асосий йўналишлари вазифасини ўтаганини тан олиш керак. Бу дегани ҳар қандай замонда ҳам халқ билан бирга бўлишнинг савоби ниҳоятда катта эканлигининг бир исботидир.

Мен, дунёнинг қўп мамлакатларида сафарда бўлдим. Турли хил тоифадаги, қарашдаги одамлар билан кўришиш ва суҳбатлашиш жараёнида бир оддий ҳақиқатни англадим. У ҳам бўлса, бизларда ҳеч бир халқда учрамайдиган қадриятлар ва анъаналар асрлар давомида шаклланиб, дунёвий аҳамият касб этаётган экан. Булар энди-энди сезиляпти. Нима аввалларр тан олинмаганми, дерсиз. Йўқ, фақат истиқлол туфайли Ўзбекистоннинг ҳақиқий, асл шакл-шамойилини жаҳонга намоён этди. Худди мана шу таърифларим ўз навбатида ХДП фаолиятида, яъни халқ орасида олиб борилган амалий ишларда ҳам ўз аксини топди.

Булар сизу бизнинг ютуқларимиз, албатта. Катта манзилнинг ўзига яраша машаққатлари ва ўткинчи нуқсонлари бўлади. Энг муҳими, Ўзбекистон деган улкан карвон йўлга чиқди. Унинг эртаси ёруғ, келажаги буюк эканлиги ҳозирдан сезилиб қолди. Шундай экан, мен партиямизнинг қутлуғ беш йиллиги соҳибқирон бобомизнинг муборак кунларига уланиб кеттанидан ғоят хурсандман.

Озод ва обод мамлакатда яшаяпмиз. Катта ниятлар билан демократик жамият пойдеворини қўяётирмиз. Ким бўлмайлик, қайси партия, гуруҳ ёки тоифага мансуб бўлишимиздан қатъий назар, халқ билан бирга бўлсак ютқазмаймиз! Тилагим: халқдан айрилмайлик.

ҲАМКОРЛИГИМИЗ ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Шукур ТЕМУРОВ, Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси раиси

Ҳар қандай идора ёки ташкилот, хоҳ давлатники, хоҳ жамоатники, хоҳ партияники бўлсин, қачонки халққа яқин бўлса, унинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қила олса, ватанпарвар ва маърифатпарвар кишиларни, кекса авлодни қадрласа, ёшларга эътибор берса, ўз дастурий ҳужжатларига амал қилиб иш тутса, сўзи билан иши бир бўлсагина, у халқ ва жамият ўртасида ишонч ва ҳурмат топади. Бу борада хали қилинадиган ишлар мўл бўлсада, аммо Халқ демократик партияси ўтган давр ичида мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Партия сон ва, айниқса, сифат жиҳатдан ўсди, тубдан ўзгарди. Унинг бошланғич ташкилотлари мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, барпо этилаётган фуқаролик жамиятининг асоси, аҳоли ўзини-ўзи бошқарувининг жаҳонда тенги йўқ миллий тизими — маҳаллаларда минглаб худудий партия ташкилотлари тузилган бўлиб, уларда тўққиз мингга яқин оксоқол ва фаолларимиз фаолият кўрсатишяпти. Тошкент шаҳридаги 473 та маҳалланинг 280 тасида худудий партия ташкилотлари ишлаётгани, биргина «Олмазор» маҳалласининг 72 ёшли оксоқоли Каюм ота Умаров ўзи билан бирга яна 30 нафар маҳалла фаолини партия сафига бошлаб киргани, Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги 32 та маҳалланинг 20 дан ортиқ оксоқоллари ўз тақдирини ХДП билан боғлаганлиги унинг чинакам халқ партияси эканлигидан далолатдир.

Партия ўз дастурий вазифаларини амалга оширишда турли жамоат ташкилотлари, жумладан, республика «Маҳалла» жамғармаси билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда ва бу ўз самарасини беряпти. Чунончи, ЎзХДП, «Маҳалла» жамғармаси ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимлиги ўртасидаги ҳамкорлик шартномасига кўра, пойтахт маҳалла оксоқолларининг семинар-кенгаши, давра суҳбатлари, турли учрашувлари ўтказилди. Бундай ишларни амалга оширишда Андижон, Жиззах, Наманган, Хоразм, Сирдарё, Қашқадарё каби вилоятлар, Тошкент шаҳридаги Юнусобод, Собир Рахимов, Мирзо Улуғбек туманлари ишлари диккатга сазовордир.

Шуни таъкидлаш лозимки, мустақил Ватанимиз ҳаётида илк бор кўппартиялилик асосида Олий Мажлисга ва маҳаллий вакиллик идораларига сайловларнинг уюшоқлик ҳамда юксак сиёсий даражада ўтишида худудий партия ташкилотлари, маҳалла оксоқоллари ва фаолларининг ҳамкорлиги сезиларли бўлди. Сайлов партиядан кўрсатилган кўплаб номзодларнинг ғалабаси билан якунланди. Ҳозирда улар партия ва сайловчилар ишончини оклаб келмоқдалар.

Биз истиклолимиз меваси — Ўзбекистон Халқ демократик партияси беш йиллигини арзигудек ютуқлар билан нишонламоқдамиз. Ўтган беш йил партиямиз учун ҳам катта синов даври бўлди, у буюк ислоҳотлар жараёнида обдон тобланди, унинг сафи иймон-эътиқодли, фидойи кишилар билан мустаҳкамланди.

Ўзбекистон ХДП, мухтарам юртбошимизнинг доно сиёсати, кўйган улкан вазифалари ва кўрсатмаларига содиқ ҳолда, янгича тафаккур, янгича ғоялар билан қуролланиб, фаолият кўрсатяпти. Фуқаролар сиёсий онгини юксалтириш, юртимиздаги тинчлик, барқарорлик, халклар ўртасидаги дўстлик ва биродарликни янада мустаҳкамлаш, маънавий баркамол авлодни шакллантиришда республика «Маҳалла» жамғармаси тузилмалари партия ташкилотлари билан ҳамкорликни янада ривожлантиради.

ЎСИШ, УЛҒАЙИШ ЙИЛЛАРИ

Ҳозирда ЎзХДП аъзоларининг 47,1 фоизини зиёли ва хизматчилар, 43,2 фоизини ишчи ва колхозчилар, 24,6 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

39,3 фоиз партия аъзоси олий, 57,7 фоизи тугалланмаган олий ва ўрта маълумотли кишилардир.

Партия аъзоларидан 318 киши фан доктори, 1354 киши фан номзодларидир.

ЎзХДП сафида 80 га яқин миллат вакиллари бор.

1994 йил декабрда, кўппартиялилик асосида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларига бўлган сайловларда мамлакат парламентига сайланган депутатлардан 69, маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлардан 3165 нафарини ХДП вакиллари ташкил этди.

Кейинги бир ярим йил ичида 70 дан ортиқ хорижий делегациялар — партияларнинг намояндалари, элчилар, халқаро ташкилотларнинг вакиллари Марказий Кенгашда қабул қилинди.

Поп туман партия кенгаши аъзоси, туман Кенгаши депутати О. Сайдалиев сайловчилар ўртасида тез-тез бўлиб, депутатлик ишлари бўйича ҳисоб бериб туради.

ҲАЁТ ТАҚОЗОСИ

Соиб УСМОНОВ, Қашқадарё вилоят фахрийлар кенгаши раиси

Партиямизнинг халқ, ўртасидаги мавқеи мустаҳкамланаётганлигини биргина вилоятимиз ташкилотлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ўтган беш йил ичида унинг сафига қарийб 10 минг киши қабул қилинди, 173 та бошлангич, жумладан 140 та ҳудудий ташкилот тузилди. Ҳозирги вақтда аҳолининг барча қатламларида, халқ хўжалигининг деярли ҳамма соҳаларида вакилларимиз бўлиб, уларда 26 та миллат намояндалари ёнма-ён туриб, меҳнат қилмоқдалар.

Халқ демократик партияси ташкилотлари мамлакатимизда бўлаётган ислоҳотларда фаол қатнашмоқдалар. Бу масалалар вилоят партия кенгаши пленумларида, ижроия бюро йиғилишларида, семинар-кенгашларда мунтазам муҳокама қилинмоқда. Хусусан, вилоят партия кенгашининг Х пленуми ислоҳотларнинг янги босқичида фаол қатнашиш, кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаси этиб белгилади. Пленумнинг бу соҳада қўйган вазифаларини бажаришда ХДПдан сайланган вилоят Кенгаши депутатлари: «Дунё» ҳиссадорлик жамияти раиси М. Ибодов, «Қашқадарёагрофирмаси» раиси Р. Тўрақулов, Яккабоғ туманидаги кичик корхона раҳбари Б. Ризоев, Китоб туманидаги «Навбаҳор» фирмаси раиси Д. Бобоёрова ва бошқалар намунали ишларни амалга оширмоқдалар.

Бир фахрий сифатида Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг ёшларни Миллий истиқлол мафкураси ғоялари руҳида тарбиялаш масалаларига катта эътибор бераётганлигини алоҳида қайд этиб ўтишни истардим. Шу мақсадда «Камолот» жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг вилоят бўлими билан биргаликда соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигига, йирик давлат ва жамоат арбоби Ф. Хўжаевнинг 100 йиллигига ҳамда Насафийларга бағишланган илмий-амалий конференциялар ўтказилди. Уларда асосий эътибор ёшларни бой ўтмишимиз, миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялашга қаратилди.

Яқинда бўлиб ўтган вилоят партия кенгаши ижроия бюроси мажлисида Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ўз сафларини эътиқодли, ватанпарвар ёшлар билан тўлдириб бораётганлиги қайд қилинди. Унда шу йилнинг тўққиз ойида партия сафларига қабул қилинган 1500 кишидан 80 фоизи ёшлар эканлиги, йигит ва қизлар билан ишлаш бундан кейин ҳам партия ташкилотларининг муҳим вазифаси бўлиб қолиши таъкидланди.

Мамлакатимиздаги демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жамиятдаги барча сиёсий кучлардан, жумладан, ХДПдан ўз фаолиятини такомиллаштириб боришни тақозо этади. Шу муносабат билан дилимда тўпланиб қолган айрим фикр-мулоҳазаларимни ўртоқлашмоқчиман.

Биринчидан: партиянинг омма ўртасида олиб бораётган ташкилий-сиёсий ишларининг самарадорлиги, таъсирининг савияси асосан бошланғич ташкилотларга боғлиқ. Демак, улар фаолиятини яхшилаш тўғрисида мунтазам ва чуқурроқ, ўйлаб кўриш керак. Чунки, кейинги вақтларда уларнинг кўпчилигида иш сусайиб кетганлиги, ҳатто партия йиғилишлари ўтмаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Иккинчидан: партиянинг сайлаб қўйилган органлари аъзоларига, ХДП аъзоси бўлган раҳбарларга, депутатларга талабчанликни кучайтириш керак. Бунинг ишимиз самарадолигини оширишда тарбиявий аҳамияти катта.

Сурхондарё вилоят почта алоқа ишлаб чиқариш ва матбуот тарқатиш бошқармаси бошлиғи Н. Муҳаммадиев, Термиз шаҳар партия кенгаши тарғиботчиси сифатида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси VI сессияси ҳужжатлари моҳиятини ўз ҳамкасбларига тушунтирмоқда.

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ ВА ТАЯНЧИМИЗ

Бахтиёр ЭРНАЗАРОВ, Ўзбекистон ХДП Зарафшон шаҳар кенгаши биринчи котиби

Хизмат вазифамга кўра, турли давраларда тез-тез бўлиб тураман. Йигит ва қизлар билан учрашувларда, кўпинча, партиянинг ёшлар сиёсати ҳақида гап кетади. Партиянинг ёшларга муносабати қандай? Унинг дастурий ва жорий ҳужжатларида баён этилган бу соҳадаги долзарб ҳамда истиқболли вазифалар нимадан иборат? Ёшларнинг ўқиши, касб эгаллаши, самарали меҳнат қилиши учун нималар қилмоқдамиз? Шу каби кўплаб саволларга жавоб беришга тўғри келади.

Партиямиз дунёга келганига беш йил тўлган бўлса, шундан бери давлатнинг йигит ва қизлар манфаатларини ҳимоялашга қаратилган сиёсати изчил бажарилишида у мустаҳкам таянчлардан бири вазифасини ўтаб келмоқда. Биз ёшларни ХДП сафларини тўлдиришнинг ишончли ва мустаҳкам заҳираси, деб биламиз. Ҳозир ҳисобимиздаги ХДП аъзоларининг икки юздан зиёдини йигит ва қизлар ташкил этади. Уларнинг сони янада ўсади, албатта. Лекин, партиямиз сафларида бўлмаган йигит ва қизларнинг сони анча катта. Улар тўғрисида ўйлаш, улар билан ишлашни йўлга қўйиш энг муҳим вазифамиздир.

Шу боисдан, биз, биринчилар қаторида, шаҳар ёшлар ташкилоти билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома туздик ва биргалашиб турли тадбирларни ўтказишга киришдик. Кенгашимиз бу ишлар учун куч-ғайратини ҳам, маблағини ҳам аямаяпти.

Шаҳар партия кенгаши ҳузурида ёшлар спорт клуби ишлаб турибди. У ўз олдига, ёшларни шарқона кураш усулларига ўргатиш билан бирга, шаҳримиз ва унга яқин туманлар аҳли учун кўплаб спорт мусобақа ҳамда томошаларини ташкил этмоқда.

Биз шаҳар «Камолот» жамғармаси ҳаммуассисларидан биримиз. Умуман олганда, Зарафшонда, барча жамоат тузилмалари кўмагида, ёшлар дастури ишлаб чиқилган. У ёшлар билан иш олиб боришнинг асосий йўналишларини қамраб олган. Шунга мувофиқ, «Камолот» жамғармаси кучга тўлиши учун муассислар, корхона ва ташкилотлар, шаҳар ҳокимлиги томонидан маблағ ажратиляпти. Бу хайрли ишдан биз ҳам четда қолаётганимиз йўқ.

Партиямизнинг кўп қиррали фаолиятида ёшлар масаласи устувор йўналишлардан бири бўлиши кераклигини тушунамиз. Уларни тўлқинлантираётган муаммолар ижроия бюрода бир неча бор муҳокама қилинганлиги ҳам шу боисдандир. Талабалар орасида, ишчи ва хизматчиларнинг кўпчилиги ёшлардан иборат меҳнат жабҳаларида бошланғич партия ташкилотлари кўплаб тузилишига кўпроқ эътибор бермоғимиз лозим. Мактабларнинг юқори синф ўқувчиларини унутмаслик, йигит ва қизларни бирлаштиришга хизмат қилувчи турли имкониятларни вужудга келтириш айни муддаодир. Яна бир муҳим заҳира — тадбиркорлик билан шуғулланаётган, бироқ, бирон ташкилотга уюшмаган ёшлар. Ҳаёт улар билан ишлаш «сир»ларини эгаллаш, энг муносибларини ХДП сафларига жалб этишни тақозо этмоқда.

ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРИБ

Атаулла АСАНОВ, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши биринчи котиби

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика ташкилоти партиямизнинг дастурий мақсадлари, сайловолди мажбуриятларини рўёбга чиқаришга қаратилган ўз сиёсий фаолиятида, биринчи навбатда, ХДП депутатлик фракция ва гуруҳлари, давлат ҳокимияти вакиллик ҳамда бошқарув идораларидаги раҳбарлик лавозимларида ишлаётган партия аъзоларига таянмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида 6 та қўмита бўлса, уларнинг 3 тасига ХДПдан сайланган депутатлар раҳбарлик қилади. Қўмита ва комиссия аъзоларининг аксарият кўпчилиги бизнинг вакилларимиздир. Улар парламентимиз сессияларини тайёрлаш, уларнинг кун тартибини шакллантириш, ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда фаол қатнашмоқдалар, кўп ҳолларда ташаббус кўрсатмоқдалар.

Партия ташкилотларимиз эса, қабул қилинган қонунларни халққа етказиш, уларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашмоқдалар. Бунинг заминида бизнинг ўзаро ҳамкорлигимиз ётади. Биз, давлат ҳокимияти идоралари, фуқаролар йиғинларидаги, барча раҳбар лавозимлардаги ўз сафдошларимиз ва ХДПга хайрихоҳларни жалб қилган ҳолда, таргибот-ташвиқот, сиёсий-ташкилий ишларимизни олиб бориб, бу орқали мамлакат Президенти фармонлари, ҳукумат қарорлари, қонунлар бажарилишининг мурватларини вужудга келтиришга ҳисса қўшмоқдамиз. Партия кенгашлари, йирик ташкилотлар ҳузурида ташкил этилган, фармонлар ва қарорлар ижросини ижтимоий назорат қилиш бўйича, комиссиялар бу ишда муҳим аҳамият касб этяпти.

Аҳоли турли қатламларининг хоҳиш-истаги, орзу-умидлари, туб манфаатлари асосида партия ташкилотлари томонидан ҳокимликлар олдига қўйилган масалалар кўп жойларда ижобий ҳал қилинмоқда. Шу боис, ислоҳотлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга оширишга, юртимиздаги осойишталик, барча миллат, элат вакилларининг аҳиллигини кўз қорачиғидай асраш, уларнинг маданиятини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш, ушбу ва бошқа долзарб масалаларни ҳал этишда, давлат идоралари, бошқарув органларидаги вакилларимиз орқали, бевосита иштирок — барча партия ташкилотларининг биринчи галдаги вазифаси бўлиб қолмоқда.

Биз бу борадаги парламентчилик, ташкилий, сиёсий, мафкуравий ишларимизни кучайтириш зарурлигини яхши биламиз. Ўтган йиллар тажрибасига таяниб, партиямизнинг дастурий мақсадларини амалга оширишда, бизга хайрихоҳ кадрлар имкониятидан ҳам самаралироқ фойдаланишни режалаштирмоқдамиз.

МУСТАҚИЛЛИК МИНБАРИ

Барот БОЙҚОБИЛОВ, «Мулоқот» журнали бош муҳаррири

Матбуот ҳамма даврларда ҳам халқ оммаси ва давлат ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтаб келган. Айниқса, мустабид тузум исканжасидан озод бўлган мустақил мамлакатимиз учун демократик матбуот сув ва ҳаводек зарур эди. Зотан, Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида алоҳида таъкидлаб ўтганларидек: «Матбуот аҳолида янгича тафаккур ва онгни шакллантиришда таъсирчан қурол бўлиши, кишиларнинг фикр, хоҳиш-иродасининг эркин, аммо холис ифодачиси, айтиш мумкинки, инсон манфаатларининг изчил ва фаол ҳимоячиси бўлиши керак».

Ҳўш юртбошимиз қўйган юксак талаблар «Мулоқот»да қай даражада амалга оширилмоқда? Мана, олтинчи йилдирки, у мустақиллик минбари, миллий қадриятлар кўзгуси сифатида халқимиз билан ҳамнафас, ҳамдард, ҳамфикр бўлиб, ҳаётимизнинг деярли барча қирраларини ўзида акс эттириб келмоқда. Биз журналнинг биринчи сонидаёқ ўз йўлимизни топишга интилдик. Шаклан, мазмунан ҳеч бир журнални такрорламайдиган мавзуларни излаб топдик. Тарихий меросимиз, миллий урф - одат ва анъаналаримиз, аждодларимиз томонидан яратилган маданий бойликлар ҳақида тамомила янги руҳдаги мазмундор, ўзига хос услубдаги мақолалар бердик. Айниқса миллий мафкура масаласи, унинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва тараққиёти хусусида тўпланган мақолаларни 1991 йилдаёқ дадиллик билан журнал саҳифаларига олиб чиқдикки, бу шубҳасиз, илмпарвар, янгиликни тез илғовчи халқимиз эътиборидан четда қолмади.

1995 йилдан бошлаб, «Мулоқот» Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг нашри сифатида чоп этилмоқда. Шу кунларда ўзининг беш йиллигини нишонлаётган Ўзбекистон Халқ демократик партияси жамиятимизнинг нуфузли сиёсий кучидир. Мустақил давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, иқтисодий ислоҳот муаммолари, маданий меросга муносабат, маънавият ва маърифат масалаларида бизнинг қарашларимиз Халқ демократик партияси қарашларига ҳар томонлама мос. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидламоқчиманки, партияга мансуб бўлмаган нашрлар ичида биз ташаббус кўрсатиб, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Миллий истиқлол мафкураси матнини журналимиз саҳифаларида эълон эттандик. Умумий миллий истиқлол маънавиятини яратиш йўлида ҳаракат қилаётган эканмиз, демак, давлатимиз мустақиллигини таъминлашда қарашларимиз муштаракдир.

«Мулоқот» 1997 йилда ҳам ўз анъанасига содиқ қолади. Журналда ХДП ҳаётини, партия ташкилотларининг серқирра фаолиятини ёритишга эътибор кучаяди. Унинг саҳифаларида ўзбек халқининг қадимий ва бой тарихи, миллий урф - одатлари, маънавий маданият масалалари, бебаҳо қадриятлари, фанимиз ва маданиятимизнинг улуг донишмандлари, Туркистоннинг буюк мутасаввуфлари, ислом дининнинг атоқли пешволари, забардаст олиму шоирлари хусусида ажойиб мақолалар босилади. Сизни тарихимизнинг ҳали ўқилмаган саҳифалари билан ошно этади.

Янги йилда асрлар давомида мадрасаларда ўқитиб келинган маърифат чашмаси — «Чор китоб»нинг ўзбекча таржимаси билан танишиш бахтига муяссар буласиз.

Шунингдек, дунёдаги муқаддас ҳисобланувчи китоблар — «Тавроти шариф», «Забур», «Инжил», «Қуръони Карим» ҳақида ҳам ҳаққоний маълумотларга эга буласиз. Маънавий маданиятимизни, миллий истиқлол мафкурасини, истиқлол кишиларининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётимизда тутган мавқеини тарғиб қилиш мақсадида «Маънавият булоқлари», «Озодлик ва ободлик», «Истиқлол кишиси», «Жамият ва шахс» каби ўнлаб янги рукнлар очамиз. Улар ҳам партиямиз аъзолари, кўпсонли муштарийларни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

Футбол

НАМАНГАНДА ФУТБОЛ БАЙРАМИ

Минглаб муҳлисларнинг орзулари ушалди. Қатор йиллардан бери чемпионликни бой бермай келаётган фарғоналик футболчилар ўзига хос анъанани буздилар. Кечувда отни алмаштирмайдилар, деганларидек, «Нефтчи» жамоасидаги таркибий ўзгаришлар, яъни бир қанча ўйинчиларни ўзга жамоаларга ўтиши билан фарғоналиклар сафида ёшариш юз бериб, андек тажрибасизлик ҳолатини юзага келтирганди. Зеро, «Нефтчи»нинг чемпионлик номини сақлаб қолиш учун астойдил курашгани ҳаммага аён. Мавсум мобайнида бу жамоа биринчи ўринга асосий даъвогарлардан бири бўлиб турди.

Аммо «Навбаҳор» футболчиларининг бу йилги ниятлари улуғ эди. Улар эзгу мақсад йўлида ҳамжиҳатлик, ҳамкорликни ўрнига қўйишди. Бу жамоада футболда иқтисодий ислоҳотларга оид муаммолар ечими тўғри ҳал этилаётгани ибратга лойиқ. Навбаҳорчилар майдонда ўзларини эркин ҳис этишлари, тезкор ҳужум, аниқ нишон, майдондаги ҳолатни ҳис этиш каби халқаро футболга хос ҳаракатларни кўнгилдагидек бажариш билан эътибор топдилар. Бу жамоанинг муддатидан олдин чемпионликка эришганлигининг боиси ҳам шунда.

Умуман, 29-тур ўйинлари ишқибозларда яхши таассурот қолдирди. Чунки, якунловчи тур олдидан ўтказилган бу учрашувларда чемпионат совриндорларининг номлари аён бўлиши олдиндан маълум эди. Хусусан, навбаҳорчилар билан «Янгиер» учрашувида 5:1 ҳисоби қайд этилиши ўйингоҳга тўпланган 55 минг ишқибозни беҳад қувонтирди. Айниқса, Шацкихнинг дарвозага йўллаган 3 та тўпини кўпчилик эслаб юрса керак. Бу галаба «Навбаҳор»га очколарини 73 тага етказиб, чемпион бўлиб олишларига имкон берди. Ғолибликка даъвогарлардан ҳисобланган «Нефтчи», МҲСК, «Дўстлик» жамоалари иштирокидаги учрашувлар ҳам қизғин ва муросасиз баҳсга айланди. Фарғоналиклар сафарда «Сўғдиёна» билан 4:1 ҳисобида ўйнаб, кумуш медалини нақд қилиб олишган бўлса, МҲСК футболчилари «Дўстлик» майдонида 4:3 ҳисобида ғалаба қозониб, бронза медали совриндори бўлишди.

Наманганда ўзига хос байрам. Навбаҳорчиларнинг чемпион бўлишганлиги шарафланмоқда. Аммо, ўйинлар жадвалининг қуйи поғоналарини эгаллаб турган жамоалар ўртасида олий табақада қолиш-қолмаслик учун кураш давом этади. АСК футболчилари бу масалада аллақачон умидларини узиб қўйишган. Урганч динамочилари билан «Машъал» масаласи эса охирги учрашувлардан кейин ечилади.

ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИ

	Ю	Д	М	Т	О
«Навбаҳор»	23	4	2	87-22	73
«Нефтчи»	22	3	4	69-30	69
МҲСК	17	8	4	75-38	59
«Дўстлик»	16	4	9	51-38	52
«Нурафшон»	15	5	9	52-35	50
«Пахтакор»	14	3	12	47-30	45
«Трактор»	12	6	11	45-42	42
«Наврўз»	10	8	11	41-49	38
«Атласчи»	11	3	15	48-59	36
«Динамо» С	11	1	17	36-43	34
«Янгиер»	10	3	16	43-54	33
«Сўғдиёна»	9	4	15	39-55	31
«Косонсой»	9	3	17	30-58	30
«Динамо» У	8	3	18	33-62	27
«Машъал»	7	4	18	24-64	25
АСК	4	6	19	26-67	18

Якунловчи турда «Нефтчи» — «Атласчи», «Трактор» — «Навбаҳор», МҲСК — «Динамо» (У), «Машъал» — «Нурафшон» жамоалари ўртасидаги учрашувлар қизиқарли бўлиши кутилмоқда.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Бир сурат тарихи

ЎЗБЕКНИНГ АЯСИ

Ушбу сурат қулимга тушганидан буён ўйлайман, эслашга, хотирлашга ҳаракат қиламан-у, аммо бир воқеа хаёлимдан кетмайди. Етмиш олтинчи йилнинг сентябрь ойлари. Газетанинг «юраги» — корректурада ҳар сафаргидек «гранка» ўқиш бошланган. Бир пайт эшик секин тиқирлаб, аллаким мўралади.

— Айланай, кирсам мумкинми? — Баланд бўйли қотмадан келган, енги узун, кўкрак бурма кўйлакли, рўмоллари яраштирган, оддий ўзбек аяси жилмайиб турарди. Фаришгали бу аёлнинг табассумидаги илиқликми, кулиб турувчи кўзларидаги меҳрми ўзига бир зумда ром қилувчи сеҳрга эга эди. Буюк инсонларнинг буюклиги уларнинг табиийлиги, одамийлиги, камтарлигида бўлса ажабмас. Ўша пайтда Ая саксонни қоралаган, ҳаётнинг баланд-пастини кўрган, ширин аччиғидан тотинган, ижро этган деярли барча роллари хоҳ у театрда бўлсин, хоҳ кинода етти яшардан етмиш ёшгача бўлган мухлиси дили тўридан аллақачон жой олган санъаткор ҳисобланарди.

Лутфихоним Саримсоқова таҳририятга тез-тез келиб турар, бу сафарги ташриф эса Аянинг қалб сўзлари, миннатдорчилигини айтиш учун эди. Саксон йиллик таваллуди, «Халқлар Дўстлиги» ордени берилиши муносабати билан газета саҳифаларида билдирилган дил изҳори Аяни таҳририятга келишга ундаган, у ҳақда самимий сатрлар ёзган журналистларга раҳматини ўзи билдирмоқни истаганди.

Адажонимдан эшитганим бор: «Ҳалима» спектаклида биринчи марта Неъматнинг онаси ролини ижро этган Лутфихон ая ўғли жасади устида юракларни эзувчи марсия айтиб йиғлаганида саҳна хизматчилари унга қўшилиб юмюм йиғлашган, ҳатто парда ёпишни ҳам унутишган. Маълум бўлишича, Аянинг шифохонада ётган тўнғич ўғли вафот этиб, у шум хабарни саҳнага чиқиш олдидан эшитган, ҳатто шу ерда бўлган турмуш ўртоғи Тожизодага ҳам буни айтмай саҳнага чиқиб кетган экан. Ана шундай том маънодаги жасоратли санъаткорнинг меҳри зиёсидан баҳраманд бўлиш, унинг назарига тушиш катта бахт эди. Айниқса журналист халқи учун, газета учун бундан ортиқ тантилик, ҳурмат, эътибор бўлмаса керак.

Эл севган, ардоқлаган ўзбекнинг Аяси билан «Совет Узбекистони» (ҳозирги «Узбекистон овози») ходимлари — журналистларнинг учрашуви лаҳзаларини тарихга муҳрлаган моҳир суратқаш, марҳум Абдусаттор Тураев ижодига мансуб ана шу суратнинг мени ҳаяжонга солганининг яна бир боиси шу газетада кўп йил муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлаган устоз, марҳум Холбек Ёдгоров (Аянинг чап тарафида), орқада табассумли боқиб турган қишлоқ хўжалиги бўлими мудири Маъруф Назаров, ўнг томонда бири-бирининг пинжига киргандек турган жанг чи-журналистлар Раҳматулла Исҳоқов, Ҳошим Абдусаматов ва уларнинг ўртасидаги моҳир фельетончи Усмон Юсуповларни (ғўрлари нурга тўлсин) хотирлаш бўлди.

Ая ўз эсдаликларида «Ёшлигимдан бир нарсани доим орзу қилардим. Халқимга хизмат қилсам, номим халқ тилида қолса деган умидим бор», деган эди. Униҳ тилаги ижобат бўлгани бетакрор санъат соҳибаси Лутфихоним Саримсоқованинг букун табаррук бир асрлик таваллудини халқи нишонлаётганида эмасми...

Умида Раҳмат ФАЙЗИ қизи.

Хорижда

АЖОЙИБ МУЗЕЙ

• Исроилнинг Қуддус шаҳрида антиқа фан музейи очилди. Бу музейнинг ажойиблиги шундаки, унда турли хил ўйинчоқлар намойиш этилиб, кичик ёшдаги болаларга физика, кимё ва математика фанларининг асосий қонунлари ҳақидаги зарурий ахборотлар берилади.

Музей ходимларининг таъкидлашича, унга кирган болалар денгиздаги тўлқин қаердан пайдо бўлиши, ёруғлик тўлқинининг нима учун синиши, ҳаво шари ниманинг ҳисобига учиши каби кўплаб «англаш мушкул воқеалар»нинг илмий асосларини ўрганади ва «ниманинг нималиги»ни билиш мақсадида ўйинчоқларни бузишни бас қилади.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДА ИШТИРОК ЭТМАЙДИ

• Покистон ҳукумати Афғонистондаги можарони тинч йўл билан ҳал қилиш масалаларига бағишлаб, Эрон пойтахти — Теҳронда ўтказилаётган халқаро конференцияда иштирок этмаслигини маълум қилди.

Покистон ҳукумати «анжуман кун тартиби ҳақида етарли маълумотга эга бўлмагани ва ҳукумат вакилларининг бандлиги»ни конференцияда иштирок эта олмасликнинг асосий сабаби қилиб кўрсатмоқда.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), **Аслиддин БОЛИЕВ** (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), **Владимир ЧЕБОТИН** (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), **Алимқул СУЛТОНОВ** (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), **Александр ТЮРИКОВ** (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи А. ҲАЙДАРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0563

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 20.20
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Шунақасиям бўлади

ЯЛАНГОЁҚЛАР НАМОЙИШИ

Африканинг иссиқ иқлимида пойабзал кийиш шартмикин? Ҳожати йўқ! Тўғрироғи, дакарлик алоқа хизматчилари, почтальонлар шундай фикрда. Лекин ҳукумат уларнинг таклифини рад этди. Сўнг улар талабга ўтишди. Алоқачилар ялангоёқ кўчаларга намойиш қилиб чиқишди.

Шаҳардаги 430 нафар алоқа хизматчилари иш ташлаб, намойиш қилишди. Икки ҳафталик намойишлардан сўнг Сенегал почтальонлари пойабзални улоқтиришди. Лекин шу шарт билан, мамлакатдаги тантанали анжуманларда улар албатта, оёқ кийим киядилар.

Ялангоёқлар намойиши шундай хотима топди.

Хорижда

АВТОҲАЛОКАТЛАР МИКДОРИ КАМАЙГАН

• ХХР меҳнат вазирлиги статистика бошқармаси ходимларининг маълум қилишича, Хитойда жорий йилнинг дастлабки саккиз ойида 180 минг марта транспорт ҳалокати содир бўлган. Оқибатда 45 минг киши ҳалок бўлиб, 12 минг киши жароҳатланган. Транспорт ҳалокатларининг мамлакат иқтисодиётига келтирган зарари эса 1,1 миллиард юанни ташкил этаётир.

Шунга қарамай, хитойлик мутахассислар ҳалокатлар миқдори анча камайганини айтишмоқда. Чунки, 1995 йилда транспорт воситаларининг ҳалокатга учраши туфайли, 150 минг киши ҳаётдан кўз юмган экан.

Диққат, обуна бошланди!

"ОБУНА 97"

ОСИЁ БОЗОРИ

ГАЗЕТХОНЛАРИГА

Муҳтарам газетхон!
Мана қарийб бир йилдирки, "Ўзбекистон овози" газетасининг иқтисодий-ахборот, реклама иловаси бўлган "ОСИЁ БОЗОРИ" рўзномаси мунтазам хонадонингизга кириб боряпти. Ушбу газетага 1997 йил учун обуна бошланди.

"ОСИЁ БОЗОРИ"га обуна бўлсангиз:

- **мамлакатдаги иқтисодий ислоҳотларнинг қандай бораётганлигидан хабардор бўласиз;**
- **кичик бизнесни ташкил этиш йўл-йўриқларини ўрганасиз;**
- **молия ва банк, солиқ тизимидаги янгиликлардан воқиф бўласиз;**
- **қимматли қоғозлар бозори тўғрисида кенг маълумотлар оласиз;**
- **ишбилармонлар эса ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни кўз-кўз қилиб сотиш, реклама қилиш имтиёзли имкониятига эга бўладилар.**

"ОСИЁ БОЗОРИ" — СИЗНИ ЖАҲОН БОЗОРИГА ОЛИБ ЧИҚАДИ!

"ОСИЁ БОЗОРИ"

индекс : 64742 (якка обуначилар учун)

1 ойга	3 ойга	6 ойга	1 йилга
44 сўм	132 сўм	264 сўм	528 сўм

индекс: 64567 (ташкилотлар учун)

1 ойга	3 ойга	6 ойга	1 йилга
48 сўм	144 сўм	288 сўм	576 сўм

TNT PRODUCTION INC.

ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИНИНГ ИККИНЧИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

"Ўзэкспомарказ" 4-5 павильонлар

CONSUMER EXPO Uzbekistan

1996 5-8 ноябрь Тошкент шаҳри

КЎРГАЗМАДА

АҚШ, АНГЛИЯ, АВСТРИЯ, ГРЕЦИЯ, ХИНДИСТОН, ГЕРМАНИЯ, ИСПАНИЯ, ГОЛЛАНДИЯ, СИНГАПУР, ШВЕЙЦАРИЯ, ФРАНЦИЯ, ДАНИЯ, ТУРКИЯ, ГОНКОНГ, БАА, ИТАЛИЯ, БЕЛЬГИЯ, ВЕНГРИЯ, ЧЕХИЯ, ЯПОНИЯ

етакчи фирма-ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотлари намойиш этилади.

Кўргазмада қатнашиш учун аризаларни қуйидаги факслар бўйича юборинг: 7/3712/ 33-05-97, 89-16-76

Халқаро телефон: /3712/ 89-16-76

Почта қутиси: Америка бизнес маркази /АБМ/

Буюк Турон кўчаси, 41

Қўшимча ахборотлар олиш учун қуйидаги факс/телефон бўйича мурожаат этинг: 7/3712/ 62-97-57

О. ВОСИХОНОВ чизган расм.

СИНГИЛ РЎЗҒОРИНИ СИНДИРГАН АКА

Унинг ёши қирқ тўртда. У тенгилар маҳаллакўйнинг кайвониси. Катта-кичикка маслаҳатгўй, маслакдош. Раҳманберди бўлса ҳануз гўдак. Текканга тегиб, тегмаганга кесак отади. Жанжал, тўполон учун туғилган, гўё. Қаерда у — ўша жойда ишкал.

— Шу йигитгаям ақл битармикан?

Уч одам йиғилса Раҳманберди ҳақида гапни шундай саволдан бошлайди.

Раҳманберди Бабатаев ҳақиқатан ҳам енгил-елпи ўсди. Ҳаётда кўрганбилгани жиноят бўлди. Тўрт марта суднинг қора курсисида ўтирди.

— Кўзи очилгандир?

Р. Бабатаевнинг охирги бор қамоқдан қайтганини эшитганлар шу ўйда эдилар. Букрини гўр тузатади, деганлари рост экан. Жиноят кўчасига кирган Раҳманбердига тинч ҳаёт кўп кўринди.

Баъзан билиб-билмай ҳуқуқ бузган, жиноят қилганларам бор. Уларни адашганлар деймиз. Негаки, эҳтиётсизлик оқибатида бировга озор берган. Албатта, ундайлар ҳам қилмишига ярашасини олади. Лекин бир умрга татийди ўша жазо. Қайтиб номаъқулчилик қилмайди. Ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланади. Обрў-эътиборли шахсга айланади. Айримлар эса тескариси. Қамалганлигини пеш қилиб, ўзгани одам ўрнида кўрмайди. Ўзини ақлли, жасоратли ҳисоблайди. Қанча кўп жиноят қилса, шунчалар обрўси ошаётгандай гўё. 1990 йил 24 январь куни Чирчиқ шаҳар суди томонидан ўта хавфли рецидивист, деб топилган Р. Бабатаев ҳам ана шундайлар тоифасидан. Ундаги бемаъни кибр, тор тушунча синглиси Анораниҳ оиласига дарз кетказди.

Сўнгги жазони ўтган йилнинг октябрь ойида ўтаб қайтган Бабатаев вақтинчалик яшаш учун Қибрай туманида истиқомат қилувчи синглисиникига йўл олади.

— Келинг, ака. Бу ер ўз уйингиз.

Анора акасини шодхуррам кутиб олади. Унинг хўжайини Раҳмонали Темурбеков ҳам Раҳманбердининг ташрифига пешвоз чиқади. Меҳмоннинг ҳурмати жойига қўйилади. Иззатикром қилиб, сийлайдилар.

— Аканг жуда одамохун бўлиб қайтган кўринади бу гал. Кўз тегмасин ишқилиб. Ўзгарибди чоғи.

Холи қолишгач Раҳмонали аёлига шундай деркан қўшиб қўйди.

— Кир-чири, томоғига қара яхшилаб. Ҳар ҳолда туғишганинг.

Раҳмоналиям, Анораям меҳмон акага парвона эдилар. Ейиш-ичишдан бекаму кўст бўлган кунлар ўтаверар, шу зайлда давом этарди, одамийлик.

Маълумки, яхшиликними, ёмонликними бошланишига нимадир туртки бўлади. Бир-бирини ялаб-юлқаётган куёву қайинуканинг тўқнашувига арақ сабабчи бўлди. 1996 йилнинг 8 мартга ўтар кечаси. Темирбеков билан Бабатаев аввалига қиттак-қиттак оладилар. Куёв, қайин ука ўша чоғ апоқ-чапоқ эди.

— Қани бўлмаса, омонлик, қадрдонлик учун кўтардик.

Яна ва яна ичдилар. Қадаҳлар тинмай жаранглади. Изма-из бўшатилган шишалардаги оқ ароқ Бабатаевнинг ошқозонида шайтонга айланиб, миясини кемирди. Қизишиб олган шериклар арзимас нарсанинг устидан сенменга борадилар. Ўзаро жанжал урушишгача етади.

— Сен ифлоснинг илгари ҳам жанжаллашганинг эсингдами? Ўшанда қўл силтаб кетгандим. Энди унинг ҳисобиниям қиламиз.

Кайфдан чайқалаётган Бабатаев бир пайтлари ўрталарида ўтган эски жанжални ёдга олиши ҳамон баттар ғазабланди. Бир-икки тарсакидан ўзини йўқотиб қўйган Темирбековни бўйинбоғи билан бўғади. Сўнг ошхонадаги ош пичоқни олиб, бўйнига санчади. Кўзига қон қуйилган қайин ука нафаси қисилиб, хириллаётган куёвни ҳовлига судраб чиқади. Ёвузлик чоҳига ботган Бабатаев охир оқибатда куёвини ўлдиради.

Айни шу пайтда дам олаётган Анора бақириқ-чақириқдан уйғониб кетади. Ҳовлида болта ва пичоқ ушлаб турган акасини кўради.

— Ёнимга яқинлашма. Эрингни ўлдирдим.

Ҳукм қилди

Акаси томон юраётган Анора бу совуқ хабардан сўнг жойида қотиб қолади. Қўрққанидан уйига кириб, эшикни ёпади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳузуридаги алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчи Ғуломжон Назаров бу жиноят ишини тергов қилиши чоғида шу нарса аён бўладики, Р. Бабатаев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттиради. Изни йўқотиш учун ҳовлида чуқур қазиб, қиймаланган куёвини кўмиб юборади.

Раҳманберди Бабатаев ўзининг юқоридаги ҳаракатлари билан жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатда, ўта шафқатсизларча, ўта хавфли рецидивист томонидан қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этади.

Тошкент вилоят судининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъати бу ишни кўриб чиқиб Р. Бабатаевни ўлим жазосига ҳукм этди.

Аввал-азалдан халқимиз қуда-андаликнинг ҳурматини жойига қўйган. Айниқса, куёвни кафтда кўтарганлар. Уни пайғамбарлар сийлаган, дея иззат-икром қилганлар. Чунки куёв фарзандимизнинг панагоҳи, неварачевараларимизнинг отаси. Қудамизнинг дилбанди. Р. Темирбеков ҳам шундай эъзозга муносиб одам эди. Афсуски, қайин ука томонидан ўлдирилди. Анораси бева қолди. Фарзандлари отасиз...

Қурбон ЭШМАТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.